



ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли тиббиёт ходимлари!

Аввало, ўз ҳаётини инсон саломатлигини асрашдек олижаноб ишга бағишлаб келаётган сиз азизлар — фидойи шифокор ва ҳамшираларни, соҳа фахрийларини касб байрамингиз билан чин қалбидан муборақбод этаман.

Барчамиз яхши тушунамизки, эл-юрт саломатлиги — жамиятнинг бебаҳо бийлигидир. Тинчлик ва соғлиқ бўлган жойда албатта ўсиш ва ўзгариш, бахтли ва фаровон ҳаёт бўлади.

Шу маънода, Янги Ўзбекистонимиз эришяётган катта ютуқларда, инсон капиталини ривожлантиришда жонқур тиббиёт ходимларининг муносиб ҳиссасини эътироф этиб, уларга ҳар қанча раҳматлар айтсак, арзийди. Азиз дўстлар!

Кейинги йилларда амалга ошираётган кенг қўламли ислоҳотларимиз туфайли соғлиқни сақлаш тизимида ҳам туб ўзгаришлар юз бермоқда.

Аввало, ажратилган бюджет маблағларининг бир неча бор кўпайтирилгани, хусусий сектор ривожига кенг йўл очилгани туфайли соҳанинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳияти мустаҳкамланмоқда, хизматлар тармоғи кенгайиб, соғлом рақобат муҳити шаклланиб, сифат ва самарадорлик ошмоқда. Диагностика ва даволаш амалиётига илгор замонавий технологиялар фаол жорий этилмоқда.

Барча ижтимоий хизматлар қатори тиббиётни ҳам халқимизга янада яқин қилиш учун малакали даволаш ва профилактика тизимини хонадонларга олиб кириш чоралари кўрилмакда.

Шу мақсадда бирламчи тиббий-санитария муассасалари фаолияти янгилашмоқда. Ушбу бўғинда биринчи навбатда касалликларнинг олдини оладиган, уларни келтириб чиқарадиган сабабларга қарши курашадиган механизмларни жорий этиш бошлангани ҳам шундан далolatдир.

Аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатишни маҳаллабай, манзилли ва аниқ мақсад асосида таъминлаш бўйича янги тажриба қўлланилмоқда. Тизимда “Электрон поликлиника”, “Электрон рецетп” дастурлари жорий этилмоқда. Бунинг учун патронаж ходимлари халқаро стандартлар асосида ўқитилмоқда.

Тез тиббий ёрдам тизими автоматлаштирилган электрон бошқарувга ўтказилиб, хорижда ишлаб чиқарилган 1000 та махсус замонавий автомобиль билан таъминланди.

Ихтисослашган тиббий хизмат ҳам аҳолига яқинлаштирилмоқда. Бу йўналишда диагностика усуллари 500 дан, даволаш усуллари эса 800 дан ошгани эътиборлидир. Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказида донордан олинган суяк кўмиги Ўзак ҳужайралари трансплантацияси, Кардиология марказида мураккаб эндоскопик жарроҳлик амалиёти йўлга қўйилди.

Миллий тиббиёт маркази шифокорлари томонидан олис туманларда Европадан келтирилган кўчма кардиожарроҳлик мажмуасида мураккаб операциялар муваффақиятли ўтказилмоқда.

Азим пойтахтимизда тиббиёт соҳасидаги ноёб мега лойиҳа сифатида барпо этилган Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология марказининг янги замонавий мажмуасида сўнгги намунадаги асбоб-ускуна ва шариотлар асосида касалликларни барвақт аниқлаш ва даволаш ҳамми бир неча баробар ошади. Энг муҳими, юртдошларимиз ортқича вақт ва маблағ сарфлаб, чет элдан даволаш марказларига бориш ташвишидан қутулади.

Хеч шубҳасиз, тиббиёт соҳасидаги ютуқларимиз халқаро миқёсда эътироф этилаётгани барчамизни қувонтиради. Болалар

миллий тиббиёт маркази халқаро сертификатни қўлга киритгани, Хирургия марказида халқаро сифат стандартлари жорий этилгани, мамлакатимиз гепатит В га қарши курашишда минтақавий мақсадли кўрсаткичларга эришгани тасдиқлангани шулар жумласидандир.

Албатта, барчамизнинг биргаликдаги меҳнатимиз маҳсули бўлган бундай мисолларни яна кўпайта келтириш мумкин.

Яқинда давлат тиббий сўғурта механизмининг жорий этишига оид қарор имзоланди. Ушбу ҳужжатга кўра, тизим доирасидаги бепул тиббий хизматлар ва дори-дармонлар харажатлари давлат бюджетига тўланаётган солиқлар ҳисобидан қопланиши белгиланди.

Аҳоли саломатлигига эътиборни кучайтириш орқали инсон кадрини ошириш, унинг ҳаётини манфаатларини таъминлашга қаратилган бундай муҳим ишларни келтурсида ҳам илҳом берувчи бўлади.

Муҳтасар айтганда, тиббиётни янада халқчил соҳага айлантириш, одамларни ушбу тизимдан рози қилиш масаласи доимо эътиборимиз марказида бўлади.

Бу борадаги вазифаларни муваффақиятли адо этишда муқаддас қасамдига содиқ сиз, заҳматқаш ва олижаноб тиббиёт ходимлари ўзингизни аямасдан, бой билим, маҳорат ва тажрибангизни сафарбар этасиз, деб ишонаман.

Буюк Ибн Сино бобомиз анъаналарининг муносиб давомчилари бўлган сиз, азизларни Тиббиёт ходимлари куни билан яна бир бор чин дилдан қўтлаб, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт, шарафли фаолиятингизда янги ютуқлар тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини халқаро андозалар асосида ривожлантириш, соҳада туб ислоҳотлар ва муҳим дастурларни муваффақиятли амалга ошириш борасидаги катта хизматлари, ўзининг фидокорона меҳнати, билим ва малакаси билан аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини юксалтириш, илгор хорижий тажриба ва даволаш усуллари амалиётга кенг жорий этиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётгани, юқори касб маҳоратига эга кадрларни тайёрлаш йўлидаги ибратли фаолияти ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

Худайбердиев Кобил Турсунович — Андижон давлат тиббиёт институтининг травматология, ортопедия ва нейрожарроҳлик кафедраси мудири, Андижон вилояти

II даражали “Саломатлик” ордени билан

Авезова Гулнора Рустамовна — Республика тез тиббий ёрдам марказининг Навоий вилояти филиали Қизилтепа тумани бўлими бош фельдшерши

Аллакулов Исламбай Мадримович — Хоразм вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг реанимация бўлими мудири

Бердиева Муқаддас Хасанбоевна — Шароф Рашидов туманидаги “Мурувват” ногиронлиги бўлган шахслар учун аёллар интернат уйи ҳамшираси, Жиззах вилояти

Мауленов Бабараушан Жумабаевич — Шуманай тумани тиббиёт бирлашмасининг қабул бўлими анестезиолог-реаниматолог, Қорақалпоғистон Республикаси

Махматмуратова Гулсина Исламовна — Ургут туманидаги “Шароф Рашидов” оилавий шифокорлик пункти умумий амалиёт шифокори, Самарқанд вилояти

Мемджанова Алия Нуриевна — Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Фарғона филиали лаборатория бўлими мудири, Фарғона вилояти

Назаров Акмал Бобамуратович — Паркент тумани тиббиёт бирлашмасининг жарроҳлик бўлими мудири, Тошкент вилояти

Саидов Ашур Сапарович — Бандихон туманидаги 44-оилавий поликлиникаси оилавий шифокори, Сурхондарё вилояти

Сафаров Ориф Мурадуллаевич — Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро филиали офтальмологи, Бухоро вилояти

Шуқуров Абдурахман Раупович — Қарши шаҳри марказий шифохонасининг реанимация бўлими мудири, Қашқадарё вилояти

“Дўстлик” ордени билан

Джумабаева Роза Базарбаевна — Бўстонлик туманидаги “Песком” оилавий шифокорлик пункти патронаж ҳамшираси, Тошкент вилояти

Салахитдинов Шухратжон Нажмитдинович — Болалар миллий тиббиёт маркази директорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари — бош шифокори

Сметова Гулнар Жолдасбаевна — Кегейли туманидаги “Ақтўба” оилавий шифокорлик пункти умумий амалиёт шифокори, Қорақалпоғистон Республикаси

▶ **Давоми 2-бетда**

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

Янги Ўзбекистон Конституцияси ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларга содиқлик



БМТ ва Ўзбекистон: инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳамкорлик

Бугун дунёда содир бўлаётган чуқур ва кескин сиёсий-иқтисодий зиддиятлар даврида янги Ўзбекистонда тинч ва фаровон ҳаётни таъминлаш, инсон шаъни, кадр-қимматини ҳурмат қилиш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири этиб белгиланган.

Ўзбекистон БМТ фаолиятида фаол иштирок этиб, жаҳон ҳамжамияти учун умумий муаммоларни мулоқот ва ҳамкорлик, маданий-тамадуний, миллатлараро ва динлараро ўзаро келишув орқали ҳал этишга интилоқда. Мамлакатимиз нуфузли ташкилотлар доирасида халқаро нормаларни яратиш жараёнида фаол иштирок этмоқда. Хусусан, сўнгги йилларда Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 10 дан ортқич махсус резолюция қабул қилинди.

Халқаро майдондаги фаол иштироки мамлакатимизнинг тарихда илк бор БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо бўлиб сайланишига ҳисса қўшди. Ушбу кенгаш доирасида Ўзбекистон ташаббуси билан “COVID-19 пандемиясининг ёшлар ҳуқуқларига таъсири”, “Ёшлар ва инсон ҳуқуқлари” ҳамда “Ҳар бир болага тинчлик ва бағрикенглик руҳида сифатли таълимни таъминлаш” резолюциялари қабул қилинди.

▶ **Давоми 3-бетда**

Бунёдкорлик



Қўнғирот — Бейнеу: Европага элтувчи йўл

240 километрли замонавий Қўнғирот — Бейнеу автомобиль йўли юртимизни Каспий ва Қора денгиз портлари орқали Европа бозорлари билан ишончли боғлайдиган логистика тармоғига айланмоқда. Ушбу тарихий жараён Қорақалпоғистон худудидан ўтувчи халқаро аҳамиятга эга “Гузор — Бухоро — Нукус — Бейнеу” автомобиль йўлини фойдаланишга топширилиши билан бошланди.



Неча йилдирки, худуд аҳли йўл масаласида жуда кўп муаммоларга дуч келарди. Базан манзилга етиб олишга ҳам қийналарди. Чунки йўлларда енгил автоулов умуман юра олмасди. Энди эса тўрт соатда Қўнғирот тумани марказига, икки соатда қўшни Қозғистонга бемалол бориб келадиган бўлиши. Осиё тараққиёт банки

иштирокида Қўнғирот тумани худудидан халқаро аҳамиятдаги “Гузор — Бухоро — Нукус — Бейнеу” автомобиль йўли ўтиши ана шу муаммоларга барҳам берди. Ўтаётган йил қорақалпоғистонликлар учун тарихий воқеаларга бой бўлди. Жорий йил бошида Амударё узра Хоразм билан Қорақалпоғистонни боғловчи темир

йўл ва автомобиль йўл кўприги фойдаланишга топширилди. Шунингдек, Тахтақўпир туманида Қаратерен этнотуристик мажмуаси барпо этилиши катта байрам ва хурсандчиликларга айланиб кетди.

Кўпчилик орқиб қутган йўл лойиҳасининг умумий қиймати 383,4 миллион долларга тенг бўлиб, шундан Осиё тараққиёт банки маблағи 274,2 миллион долларни, Ўзбекистон улushi эса 104,2 миллион долларни ташкил этди. Қурилиш тўрт йил давом этди. Жорий йилда йўлнинг 240 километр қисмининг мукамал реконструкцияси якунланиб, фойдаланишга топширилиши худуд аҳлини қувонтирди.

— Бу йўлдан тез-тез ўтиб тураман. Чунки қўшни давлатларга юк ташийман, — дейди Шухрат Хусайинов. — Автомобиль қишда лойга, ёзда қўмга ботиб қоларди. Энди йўл текис ва раво, узоғимиз яқин бўлди.

Қозғистон билан чегарадаги Довут ота постидан ҳар куни 3500 йўловчи, 10 дан ортқич юк автомобили кириб келади. 240 километр йўлнинг 8 та жойида автомобилларнинг вақтинча тўхтаб туриш манзили мавжуд. Шунинг 5 тасида савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ишлаб турибди.

Магистрал Е-40 Европа йўналишининг Ўзбекистон худудидан ўтувчи бўлига, шу билан бира, транскаспий халқаро транспорт коридорига олиб чиқувчи энг яқин йўл ҳисобланади. Янги йўл нафақат иқтисодий, балки ижтимоий жиҳатдан ҳам жуда катта аҳамиятга эга. Бу ерда маҳаллий аҳоли иш билан таъминланади, худуд инфра-тузилмаси ривожланади.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҶА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҶИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

Хакимова Сохибахон Обиджановна — Андижон туманидаги “Мурувват” ногиронлиги бўлган шахслар учун эркаклар интернет уйи кичик тиббий ходими, Андижон вилояти

Хлевная Елена Андреевна — Гулистон шаҳри кўп тармоқли марказий поликлиникаси умумий амалиёт шифокори, Сирдарё вилояти

Шамсиев Азамат Мухитдинович — Самарқанд давлат тиббиёт университетининг болалар хирургияси кафедраси профессори

“Соғлом турмуш” медали билан

Артиқова Хулқар Акромовна — Галлаорол тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси патронаж ҳамшираси, Жиззах вилояти

Намозова Муниса Саломовна — Фозгон шаҳри тиббиёт бирлашмаси тиббий бригада ҳамшираси, Навоий вилояти

Ниязова Дилорам Аскарровна — Тошкент шаҳридаги 2-болалар жарроҳлик клиник шифохонасининг жарроҳлик бўлими катта ҳамшираси

Ужарова Дилбар Хуррамовна — Ғузур туманидаги “Қовчин” оилавий шифокорлик пункти шифокори, Қашқадарё вилояти

Хусанова Норбегим Ривожовна — Пахтачи тумани санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлимининг эпидемиология ва иммунопрофилактика бўлими мудири, Самарқанд вилояти

Ҳамдамова Мухайёҳон Тўхтасиновна — Бухоро давлат тиббиёт институтининг акушерлик ва гинекология кафедраси профессори, Бухоро вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри, 2024 йил 8 ноябрь

Ш. МИРЗИЁЕВ

Муносабат

“ЁШЛАРГА ҲАМРОҶЛИК” ДАСТУРИ

Ижтимоий Ҳимояга муҳтож болаларни вояга етказиш ва жамиятга интеграциялашда муҳим қадам бўлади

Мамлакатимиздаги кенг қўламли ислохотлар, ўзгариш ва янги лойиҳалар, энг аввало, инсон қадрини улуғлаш, халқимизни рози қилиш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга қаратилаётгани фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда муҳим омил бўлаётган. Янги таҳрирдаги Конституциямизда Ўзбекистон ижтимоий давлат экани белгилангани бу жабҳадаги ишларга янгича маъно-мазмун бағишлади.

Шунга мувофиқ, 2023 йил 1 июнда аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш бўйича фармон қабул қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Ижтимоий Ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилди. Ижтимоий Ҳимояни маҳалла даражасида ташкил этиш, ижтимоий хизмат ва ёрдамларни комплекс ёндашув асосида кўрсатиш мақсадида туман ва шаҳарларда “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ва маҳаллаларда ижтимоий ходим фаолияти йўлга қўйилди.

Ижтимоий Ҳимоя жамиятда барқарорлик ва адолатли таъминлашнинг муҳим асоси. Шу боис, бу борадаги чора-тадбирларни амалга ошириш давлатимизнинг стратегик вазифаларидан бирига айланган. Кунин кунга Президентимиз ҳузурида бўлиб ўтган ижтимоий Ҳимояга муҳтож болаларни тарбиялаш, ногиронлиги бўлган шахсларни спортга жалб этишга оид тақлифлар тақдими жараёнида бу борадаги ишлар таҳлил этилиб, галдаги вазифалар белгилаб берилди.

Болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш янги Ўзбекистон сиёсати марказида турган устувор вазифалардан. Бугун давлатимиз ва жамиятимиз боланинг яшаш, шахсий дахлсизлик, фуқаролик, соғлиқ, таълим олиш, оилавий муносабатлар, эркин фикр билдириш, таълим ва зўравонликдан ҳимояланганлик доир ҳудудда бошқа ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шахсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий манфаатларини таъминлаш борасида кенг қамровли ишларни бажармоқда.

Янги таҳрирдаги Конституциямиз қондалари болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлақонли таъминлашга эришишга қаратилган кенг миқёсли

ислохотларни рўёбга чиқариш асосларини кучайтирди. Мамлакатимизда бола ҳуқуқларини таъминлашга доир ҳуқуқий асослар тақомиллаштирилди. Болалар меҳнатига барҳам берилди. Болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича махсус ташкилотлар таъсис этилди.

Етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум болалар манфаатларини ҳимоя қилиш тизими кучайтирилди. Ногиронлиги бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга нисбатан зўравонликнинг барча шаклини бартараф этиш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг тегишли фармони билан қабул қилинган “Қамбағалликдан фаровонлик сари” дастурида ижтимоий етимликнинг олдини олиш, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум болаларга индивидуал ёндашув асосида оилага яқин муҳитда ғамхўрлик кўрсатиш ҳамда тарбиялаш вазифалари ҳам белгиланган. Шунга мувофиқ, бундай болаларни тарбияга бериш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Жумладан, болани тарбияга беришда оила муҳитини сақлаб қолишга устуворлик берилди. Бунда, аввало, васийлик, ҳомийлик ёки фарзандликка бериш қўллаб-қувватланади.

Энг сўнгги чора сифатида иختисослаштирилган муассасасига жойлаштирилди. Тақдиротда ногиронлиги бўлган шахсларни спортга жалб этишга қаратилган тақлифлар ҳам кўриб чиқилди. Юртимизда параспортининг 19 тури билан шугулланишга шароит яратилган. Ногиронлиги бўлган 25 минг шахс спорт билан шугулланиб келмоқда. Бу борадаги имкониятларни кенгайтириш мақсадида қатор чора-тадбирлар кўзда тутилмоқда.

Президентимиз ҳузурида бўлиб ўтган тақдиротда етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум болалар ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни тақомиллаштириш бўйича муҳим масалалар кўриб чиқилди, — дейди Ижтимоий Ҳимоя миллий агентлиги директори М.Оллоёв. — Паралимпиячиларимиз эришган ютуқлардан келиб чиқиб, ногиронлиги бўлган шахслар орасида спортни янада ривожлантириш, улар иштирокида ўтказилаётган спорт мусобақаларини кўпайтириш бўйича топириқлар берилди. Жумладан, паралимпия спорт турларидан ташқари, сурдо, кўзи оқизлар учун ва махсус олимпия йўналишларида спорт мусобақалари

ташкил этиш бўйича тегишли вазифалар белгилаб берилди.

Бундан ташқари, давлат спорт мактабларида адаптив спорт бўйича гуруҳлар ташкил этиш, маҳаллалардаги майдончаларни ногиронлиги бўлган шахсларга ҳам мослаштириш тақлиф этилмоқда. “ERP-sport” электрон тизимида ногиронлиги бўлган шахсларнинг алоҳида ҳисобини юритиш орқали уларнинг имкониятига мос спорт турлари автоматик аниқланади. Реабилитация марказларида жисмоний терапия, механотерапия, физиотерапия каби замонавий реабилитация усулларини қўллаш кенгайтирилади. Адаптив жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини тайёрлашга ҳам эътибор кучайтирилади. Бу йўналишда халқаро мусобақаларда голиб бўлганлар ҳамда уларнинг мураббийларини моддий рағбатлантириш тизими жорий қилинади.

Ота-она қарамоғидан маҳрум болаларни оила муҳитида вояга етказиш муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда “Ёшларга ҳамроҳлик” дастури йўлга қўйилди. Бунга кўра, васийлик ва ҳомийликка олинган болаларни турли тўғрақларга жалб этиш, олий таълимга тайёрлаш, касб-хунар ўргатиш, ҳаётини кўникмаларини шакллантириш бўйича иш юритилади. Бу чора-тадбирлар ёшларнинг жамиятга фаол интеграциялашувига замин яратади.

Бундан ташқари, васийлик ва ҳомийликка олинган болалар билан ишлаш тизимини тўлиқ рақамлаштириш кўзда тутилмоқда. Болаларни зўравонликнинг барча туридан ҳимоя қилиш ҳам муҳим вазифа. Ривожланган давлатлар таърибидан келиб чиқиб, шу соҳада яна бир ҳужжат — “Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида” қонун маъқулланган. Унда бу борадаги ҳуқуқий асослар мустаҳкамлашиб, болаларни зўравонликдан ҳимоя қилувчи давлат органлари ҳамда уларнинг ваколатлари аниқ белгиланган. Президентимиз ушбу қонунни имзолади.

Бу борадаги чора-тадбирларни амалга оширишда оилаларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий Ҳимояга муҳтож қатлам манфаатларини муҳофазалашга алоҳида эътибор қаратилаётган жамиятимизда бағрикенглик ва адолат таъминларини мустаҳкамлашга замин яратади.

Баҳор ХИДИРОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

ЖАҶОН САММИТИДА ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ

ЮҚОРИ БАҶОЛАНДИ

Эътироф

Бугун бутун дунё кўзда қалққан бир томчи аччиқ ёш сингари улкан муаммолар гирдобиди қолиб кетаяпти. Агар кўзни юмса, ёшдан айрилиши, юмса, аччиқ ва шўр ашк кўзни ачитгани сингари иқлим ўзгаришлари ҳам глобал муаммо сифатида барчани бирдек безовта қиялпти. Ҳозир жаҳон ҳамжамияти иқлим ўзгаришини инсоният олдида турган энг жиддий муаммолардан бири деб тан олмоқда. Айни даврда бу глобал муаммо оқибатида инсоният ҳўжалик фаолиятининг барча қирралари, хусусан, қишлоқ ҳўжалигидан тортиб, энергетика, транспорт ҳаракати, замонавий нанотехнологиялардан фойдаланиш ва бошқа соҳаларда зўдлик билан ҳал этилиши шарт бўлган масалаларни кун тартибига қўймоқда.

Боз устига, қитъалар ва йирик-йирик давлатлар мисолида сув тошқинлари, бўронлар, ўрмон ёнғини, чўлланиш жараёнлари кучайиши, зивзила каби таҳдидлар чиндан-да дунё афкор оммасини жиддий ўйлашга мажбур қилмоқда.

Шу мақсадда жорий йилнинг 5-6 ноябрь кунлари Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида БМТнинг иқлим ўзгариши конференцияси (UNFCCC COP29) доирасида Жаҳон диний етакчилари глобал саммити бўлиб ўтди.

Мазкур нуфузли тадбирда ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар, танқили диний етакчилар, олимлар ва экспертларнинг 300 га яқин вакили қаторида юртимиздан Ўзбекистон Президенти маслаҳатчиси Музаффар Камиллов, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин Холиқназар, Дин ишлари бўйича қўмита раисининг биринчи ўринбосари Давронбек Махсудов иштирок этди.

Тадбирнинг биринчи кунини иштирокчилар томонидан глобал иқлим ўзгаришининг сабаб ва оқибатлари, табиатнинг асраш, экологик муаммоларнинг олдини олиш масалалари муҳокама қилиниб, бу борада барча диний конфессиялар вакиллари олдида турган муҳим вазифалар юзасидан тақлиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Анжуманда Ўзбекистон делегацияси раҳбари Музаффар Камиллов маъруза қилиб, минтақада, хусусан, мамлакатимизда иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларини камайтириш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш ва биологик хилма-хилликни янада бойитиш юзасидан қилинаётган саяёҳаракатлар, ўзига хос тажрибалар ҳақида сўз юритди. Жумладан, сўнгги йилларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган “Яшил макон” лойиҳаси, унда турли диний конфессия ва миллий марказлар вакиллари фаол иштироки, лойиҳа доирасида ҳар йили юртимизда 200 миллион туپ даракт экилиб, янги яшил ҳудудлар барпо этилаётгани алоҳида таъкидланди.

Саммит иштирокчилари томонидан Ўзбекистондаги иқлим ўзгаришининг олдини олиш борасидаги мазкур саяёҳаракатлар, яшил ҳудудларни кўпайтириш борасидаги чора-тадбирлар ва илгор ташаббуслар юқори баҳоланди.

Тадбирнинг иккинчи кунини 30 га яқин диний етакчи ва уламонинг маърузалари тингланди. Чиқишларда иқлим ўзгариши инсоният олдида турган энг жиддий муаммолардан экани, бу борада БМТ конвенциясининг аҳамияти, атмосферага иссиқхона газлари чиқарилишини камайтириш, ўсиб бораётган глобал экологик таҳдидларга комплекс жавоб қайтаришда жаҳон диний етакчиларининг роли каби мавзуларда чиқишлар қилинди.

Халқаро анжуманда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин Холиқназар ҳам сўзга чиқиб, юртимиздаги таъриқ улаомлар, имом-хатиблар ва соҳа ходимлари “Табиат — Аллоҳ таолонинг омонатидир” шiori остида тарғибот-ташвиқот ишларида, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасида фаол иштирок этаётгани тўғрисида атрафлича маълумот берди.



Манфаатли мулоқот ва учрашувлар

Ўзбекистон делегацияси Жаҳон диний етакчилари глобал саммити доирасида қатор учрашув ва мулоқотлар ўтказди. Жумладан, делегация вакиллари Озарбайжон Бош вазири Али Асадов билан учрашди.

Мулоқотда Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш, мамлакатларимизнинг аънаваний яқин ва дўстона муносабатларини янада мустаҳкамлаш, илм-фан, маданият ва диний-маърифий соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Учрашувда Жаҳон диний етакчилари глобал саммитининг аҳамияти ҳақида сўз юритилиб, мазкур тадбир халқлар ва турли дин вакиллари ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшилиши, бу борада қардош мамлакатлар диний етакчилари ўртасидаги ҳамкорлик жуда ҳам муҳим экани таъкидланди.

Али Асадов ўз сўзида юртимизда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришларни юксак баҳолаб, бундан кейин ҳам Ўзбекистон Озарбайжоннинг энг яқин ишончли ҳамкори бўлиб қолишини таъкидлади. Шунингдек, у Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан Фузулий шаҳрида умумтаълим мактаби бунёд

Оллоҳшукур Пошшоода жорий йилнинг октябрь ойида Ўзбекистонда Президентимиз ташаббуси билан ўтказилган “Ислому — тинчлик ва эзгулик дини” мавзусидаги халқаро конференция ишини юқори баҳолади. Шунингдек, суҳбатда Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистондаги диний-маърифий соҳа ривожини, ислом оламидаги буюк алломалар меросини ўрганиш ва жамоатчиликка етказишдаги жонбозлигини алоҳида эътироф этди.

Этилганни эътироф этиб, бу муҳташам мактабни озарбайжон халқига туҳфа қилган учун давлатимиз раҳбарига чукюр миннатдорлик изҳор этди.

Озарбайжон Республикаси Диний ташкилотлар билан ишлаш давлат қўмитаси раиси Рамин Мамедов билан учрашувда сўнгги йилларда икки давлат ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорлик янги босқичга кўтарилгани, озарбайжон халқи ўзбек халқининг дўстона муносабатини доим ҳис қилиши, бошқа соҳалар каби диний-маърифий соҳада ҳам таърибда алмаштириш ўзаро манфаатли бўлиши таъкидланди.

Ўз навбатида, жамиятда ёт гоиларга қарши курашиш, масжидлар ва имом-хатиблар фаолиятини самарали ташкил этиш масалаларида ҳамкорлик икки давлат учун фойдали бўлишига алоҳида урғу қаратилди.

Самимий ва дўстона руҳда ўтган йиғилишда Кавказ мусулмонлари идораси раиси, шайхулислом Оллоҳшукур Пошшоода билан ҳам суҳбатда бўлинди.

Мулоқотда икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш борасида



давлат раҳбарлари томонидан амалга оширилаётган хайрли ислохотларга алоҳида эътибор қаратилди.

Оллоҳшукур Пошшоода жорий йилнинг октябрь ойида Ўзбекистонда Президентимиз ташаббуси билан ўтказилган “Ислому — тинчлик ва эзгулик дини” мавзусидаги халқаро конференция ишини юқори баҳолади. Шунингдек, суҳбатда Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистондаги диний-маърифий соҳа ривожини, ислом оламидаги буюк алломалар меросини ўрганиш ва жамоатчиликка етказишдаги жонбозлигини алоҳида эътироф этди.

Учрашув якунида шайхулислом ҳазратлари икки мамлакат халқи фаровонлигини, ўзаро дўстлик ва қардошлик алоқаларининг ривожини тилаб, дуо қилди.

Ўзбекистон делегацияси аъзолари Россия муфтийлар кенгаши раиси Равил Гайнутдин, Баҳрайн Подшоҳлиги Ислому ишлари бўйича олий кенгаши раиси Абдурахмон ибн Рашид ал-Халифа, Миср муфтийсини Назир Мухаммад Айёб, Миср вақф ишлари вазири Усома Азҳарий, Ал-Азҳар мажмуаси вакили Мухаммад Дувайний, Мусулмон доншимандинлар кенгаши бош котибини Мухаммад Абдуссалом, Италия мусулмонлари уюшмаси раиси Имом Яҳё Паллавичини, Мўғулистон муфтийсини Батирбек Хадийс билан ҳам мулоқот қилди. Учрашувларда хорижлик ҳамкорлар томонидан сўнгги йилларда юртимизда диний-маърифий соҳада амалга оширилган ислохотлар алоҳида эътироф этилди. Барча учрашувлар илиқ ва дўстона руҳда бўлиб ўтди.

Ўзбекистон делегацияси саммит доирасида Фузулий ва Шуша шаҳридаги бир қатор тарихий масканлар зиёратига бўлди.

Анжуман якунида Жаҳон диний етакчилари глобал саммити декларациясини қабул қилинди. Ҳужжатда иқлим ўзгаришларининг олдини олишда ҳамкорлик, айниқса,

қўкаламзорлаштириш ишларини самарали ташкил этиш, сувни тежаш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг фойдаланиш каби йўналишларда диний-маърифий соҳа ходимларининг тарғибот-ташқиқот ишларини янада жадаллаштириш лозимлиги таъкидланди.

“Жаҳон динлари яшил сайёра учун” шiori остида ўтган йиғилишда иштирокчилар томонидан қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

— глобал иқлим ўзгариши, биологик хилма-хилликнинг йўқолиши, атраф-муҳитнинг ифлосланиши, сув танқислиги каби умумжаҳон муаммолар сабабларини ўрганиш бўйича биргаликдаги саяёҳаракатларни жадаллаштириш;

— иқлим ўзгаришига қарши кураш бўйича жамоатчилик муҳокамаларида фаол иштирок этиш;

— иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларини камайтириш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш, табиат ва ундаги неъматларнинг муқаддаслигини кенг жамоатчиликка етказишда диний омиллардан унумли фойдаланиш.

Шу билан бирга, диний етакчилар ушбу саммит тинчликни асраш, низо ва зиддиятларни тўхтатиш қақриқлари учун фойдаланиш ҳамда самарали платформа бўлиб хизмат қилишига катта умид билдирди.

Хулоса шукки, глобал иқлим ўзгариши ва экологик муаммоларни бир ёки икки давлатнинг саяёҳаракати билан бартараф этиб бўлмайди. Бунга барча давлатларнинг ҳамжиҳатлиқдаги ҳаракати талаб этилади. Келгуси авлодлар учун мусаффо осмон, гўзал табиат ва унинг бебаҳо неъматларини бекаму кўст етказиш умуминсоний бурчимиз эканини унутмаслигимиз лозим.

Лутфулла СУВОНОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

Янги Ўзбекистон Конституцияси ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларга содиқлик



халқаро миқёсда ўрганиш ва қўллаш учун муваффақиятли модель сифатида кўрмоқда. Ташкилот кўмагида Ўзбекистонда меҳнат соҳасида 40 дан ортиқ норматив ҳужжат қабул қилиниб, 22 та халқаро конвенция ратификация этилди. Ижтимоий адолат тамойилларини илгари суриш бўйича, жумладан, “Ижтимоий адолат глобал коалицияси” доирасида қўшма чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Янги тахрирдаги Конституция: халқаро мажбуриятлар масъулияти

Янги тахрирдаги Конституцияда Ўзбекистоннинг суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат эканига оид тарихий аҳамиятга эга норма белгилаб қўйилди. Ижтимоий адолат ва ҳамжихатлик тамойиллари жорий қилинди, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун бутунлай янги механизмлар яратилди.

Дунё мамлакатлари конституцияларида инсоннинг 110 дан ортиқ ҳуқуқи қайд этилганини ҳисобга олсак, ҳозир бу ҳуқуқларнинг 90 таси мамлакатимизнинг янги тахрирдаги Конституциясига киритилган. Шундан 40 таси янги конституциявий ҳуқуқлардир.

Янги тахрирдаги Конституциянинг 25-моддасида расман “ўлим жасоиси таъминланади”, деб аниқ белгиланди. Бу билан Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактининг Иккинчи факультатив баённомаси талаблари амалга оширилди.

Биринчи марта кулай атроф-муҳит ҳуқуқи конституциявий даражада таъминланди. Мамлакатимиз 2018 йилда Париж келишувига қўшилди. Экологик муаммоларни ҳал қилиш учун қатор дастурий ҳужжатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегияси, 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси ва 2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегияси қабул қилинди. Шунингдек, иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммоларни самарали ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурида Иқлим кенгаши ташкил этилиши белгиланди.

Уй-жой ҳуқуқининг конституциявий кафолатларини мустаҳкамлаш мақсадида “Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкалари ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонун 10 миллиондан ортиқ инсоннинг муаммоларини ҳал қилишга ёрдам беради ва мулк ҳуқуқини таъминлаш учун ҳуқуқий асос яратади.

Янги тахрирдаги Конституциянинг 55-моддасида “Ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда таъқиқланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилишга ҳақли”

Янги тахрирдаги Конституциянинг 55-моддасида “Ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда таъқиқланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилишга ҳақли” экани белгиланган. Бундан ташқари, мазкур ҳужжатда давлатнинг ҳуқуқий ҳимояга доир барча ички воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, фуқарога инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи халқаро органларга мурожаат қилиш ҳуқуқи берилган.



Мирзатилло ТИЛЛАБОЕВ, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директорининг биринчи ўринбосари, юридик фанлар доктори, профессор

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон илк марта БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши — ECOSOC ҳамда Халқаро меҳнат ташкилоти маъмурий кенгаши аъзоллигига сайланди. Шунингдек, Ўзбекистон вакили илк бор БМТ Инсон ҳуқуқлари қўмитасига аъзо бўлди.

Юртимизда озиқ-овқат хавфсизлиги, туризмни ривожлантириш, қашшоқликка қарши кураш ва иқлим ўзгариши, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган йирик халқаро тадбирлар ўтказилмоқда. Хусусан, 2025 йилда ЮНЕСКО Бош конференцияси 43-сессиясини Самарқанд шаҳрида ўтказиш режалаштирилган.

Ўзбекистон БМТ тузилмалари, бошқа халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан инсон ҳуқуқларини илгари суриш ва ҳимоя қилиш масалалари бўйича ҳам фаол ҳамкорлик қилмоқда.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ислохотлар ва вазият билан танишиш учун БМТ Бош котиби А.Гутерриш, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари Ф.Тюрк, Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) Бош директори Ж.Унго, Европа Иттифоқининг инсон ҳуқуқлари бўйича махсус вакили Э.Тилмор, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий стратегияси изчил амалга оширилмоқда. Мамлакатда гендер тенглик, сўз ва дин эркинлиги, қўynoқларга қарши курашишни таъминлаш бўйича аниқ чоралар кўрилмоқда. Айниқса, аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга нисбатан ҳар қандай стереотип ва зўравонликларга барҳам беришга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Қўynoқ ва зўравонликнинг бошқа турлари конституциявий даражада таъқиқланган. Конституциянинг 26-моддасида қўynoқлар, зўравонлик ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний

малакали ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тизимини ривожлантириш ва адлия тизимини такомиллаштириш бўйича устувор вазифалар белгиланган. Мазкур стратегия доирасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришга қаратилган янги чора-тадбирлар қабул қилинди.

Хусусан, 2025 йил 1 январдан жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судларида тергов судьяси лавозимини жорий этилди. Ушбу судьяга “Хабаскор” институти билан боғлиқ қатор ваколатлар, жумладан, қамоққа олиш ёки уй қамоғи тартибига эҳтиёт чораси қўллаш,

қилинган ва ўзига хос байрам сифатида кенг нишонланди.

Бугун юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат ҳамда 16 та диний конфессия вакиллари тинч-тотув, аҳил-иноқ, ҳамжихат бўлиб яшаб келмоқда. Шунингдек, 157 та миллий-маданий марказ ва 38 та дўстлик жамияти фаолият юритмоқда.

Таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёни ўзбек, қорақалпоқ, рус, тожик, қозоқ, қирғиз ва туркман тилларида олиб бориляпти. Мактаб ўқувчилари давлат ҳисобидан дарсликлар ва бадий адабиётлар билан таъминланади. Ўзбекистонда 12 тилда телевидение ва радио дастурлари эфирга узатилади, 10 дан ортиқ тилда газета ва журналлар нашр этилади.

Жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш устувор вазифалардан бири этиб белгиланди. Шу боис, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таълим самардорлигини ошириш, шунингдек, БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон дастурининг тўртинчи босқичида белгиланган вазифаларни бажариш бўйича ишлар фаол давом этмоқда. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим миллий дастури амалга оширилмоқда. Касб-хунар ва олий таълим тизимида “инсон ҳуқуқлари”, “аёллар ҳуқуқлари”, “болалар ҳуқуқлари” ўқув курслари жорий этилмоқда. Инсон ҳуқуқлари бўйича қўллаш ва рисолалар нашр қилиниб, бу борадаги таълим учун электрон платформа ишга туширилди.

Ҳозир инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишни таъминлашда бизнес тузилмалари билан таърибга алмашиш ва мулоқотни йўлга қўйиш масалалари долзарб аҳамиятга эга. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (Бизнес-омбудсман) ушбу йўналишда фаолият юритмоқда.

Шу билан бирга, ҳар йили 20 августда Тадбиркорлар куни ўтказилиб, бизнес вакиллари билан доимий мулоқот ташкил этиляпти. Парламент томонидан Тадбиркорлик кодекси тайёрланмоқда. Қолаверса, “Бизнес ва инсон ҳуқуқлари” миллий ҳаракатлар режасини қабул қилиш бўйича ҳам ишлар бажариляпти.

БМТ Бош котибининг “Инсон ҳуқуқлари йўлида ҳаракатга даъват” ташаббусини қўллаб-қувватлаш, фуқароларнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси тамойиллари ва нормаларни тўғрисидаги билимини ошириш мақсадида мамлакатимизда ўтган йили Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганнинг 75 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги тадбирлар дастури қабул қилинди.

Жорий йилда Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция қабул қилинганнинг 45 йиллигини, Қўynoқларга ҳамда муомала ва жазоланишнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситадиган турлари қарши конвенция қабул қилинганнинг 40 йиллигини ва Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция қабул қилинганнинг 35 йиллигини нишонлаш чоралари кўрилмоқда.

Шу йил июнда Самарқанд шаҳрида “Экологик таҳдидлар: ўзгараётган дунёда инсон ҳуқуқларининг истиқбол ва барқарор ечимларини излаш” мавзусида инсон ҳуқуқлари бўйича тўртинчи форум ўтказилди. Қадимий ва ҳамisha навқирон шаҳарда анъанавий ташкил этилаётган ушбу нуфузли тадбирга аллақачон Самарқанд форуми номи берилган.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд форуми иштирокчиларига йўллаган табригида 2018 йилда ташкил этилган Инсон ҳуқуқлари бўйича биринчи Осие форуми жаҳон амалиётга ўзига хос “Самарқанд руҳи”ни олиб киргани таъкидланди. Самарқанд шаҳрида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги энг долзарб муаммоларга бағишланган форумлар ўтказиш яхши анъанасига айланди.

Янги Ўзбекистонда сайлов тизими

Жорий йил октябрида Ўзбекистонда парламент сайлови Конституцияда белгиланган янги ижтимоий-сиёсий муҳитда бўлиб ўтди. Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига сайловлар тарихида биринчи марта аралаш, яъни мажоритар-пропорционал тизим асосида ташкил этилди.

Бунда парламент қўйи палатаси депутатларининг 75 нафари бир мандатли сайлов округлари бўйича мажоритар тизим (номзод учун овоз бериш), қолган 75 нафари пропорционал тизим бўйича, яъни сиёсий партияларга берилган овозлар асосида (партия рўйхати асосида) сайланди. Қонунчиликда белгиланганидек, сиёсий партиялар томонидан депутатликка қўрсатилган номзодлардан аёллар 40 фоиздан кам бўлмашлиги шартига амал қилинган яхши натижа кўрсатди.

Сайлов янги тахрирдаги Конституция демократик стандартларга мувофиқ тўлиқ такомиллаштирилган муҳим аҳамият касб этди. Хусусан, Марказий сайлов комиссияси бошчилигида янги сайлов органлари тизими жорий қилинди. Шунингдек, депутатликка номзод сайланиши учун сайловчиларнинг нисбий кўпчилиги овозини олиши белгиланди. Сайлов жараёнини ўтказишда “Е-saylov” ахборот тизими фаол қўлланиб, ушбу тизим орқали сайлов комиссияларининг сиёсий партиялар, номзодлар, кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари билан даярли 60 турдаги муносабатли тўлиқ электрон тарзда амалга оширилди.

Бу жараёнларда сайлов қонунчилиги демократик стандартларга мувофиқ тўлиқ такомиллаштирилган муҳим аҳамият касб этди. Хусусан, Марказий сайлов комиссияси бошчилигида янги сайлов органлари тизими жорий қилинди. Шунингдек, депутатликка номзод сайланиши учун сайловчиларнинг нисбий кўпчилиги овозини олиши белгиланди. Сайлов жараёнини ўтказишда “Е-saylov” ахборот тизими фаол қўлланиб, ушбу тизим орқали сайлов комиссияларининг сиёсий партиялар, номзодлар, кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари билан даярли 60 турдаги муносабатли тўлиқ электрон тарзда амалга оширилди.

2024 йил 27 октябр кунини бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўзига хос жиҳатларидан бири сайловчиларнинг фуқаролик масъулияти ва дахлдорлик туйғуси янада ошгани билан боғлиқ. Яна бир муҳим мезон: фуқароларнинг Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар сайлов жараёнига қизиқиши сезиларли даражада ошгани барча босқичи очиқлик, ошкоралик ва шаффоғарлик асосида ўтказилган сайловларга таъйёрлик кўриш ва ўтказишда яққол сезилди.

Шунингдек, парламент сайловларида аралаш сайлов тизимининг жорий этилиши сиёсий партиялар ўртасидаги рақобатни кучайтириб, жамиятимизда демократик муҳитга янги қувват бағишлагани сайловолди ташвиқот давомида яққол намоён бўлди. Буларнинг барчаси янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг амалий аҳамиятидан далолатдир.

Таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёни ўзбек, қорақалпоқ, рус, тожик, қозоқ, қирғиз ва туркман тилларида олиб бориляпти. Мактаб ўқувчилари давлат ҳисобидан дарсликлар ва бадий адабиётлар билан таъминланади. Ўзбекистонда 12 тилда телевидение ва радио дастурлари эфирга узатилади, 10 дан ортиқ тилда газета ва журналлар нашр этилади.



ташкilotининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси директори М.Мекаччи мамлакатимизга ташриф буюрди. Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган шартномаларнинг бажарилиши бўйича БМТнинг устав органлари ва шартномавий қўмиталарига ўз вақтида миллий маърузалар тақдим этиб келинмоқда. Жумладан, 2023 йил давомида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларнинг бажарилиши юза-сидан БМТнинг шартномавий қўмиталарига Ўзбекистон Республикасининг:

- Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция қондаларини амалга ошириш бўйича биринчи миллий маърузаси;
- Қўynoққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашга қарши конвенция бажарилиши бўйича олтинчи миллий маърузаси;
- Универсал даврий ҳисобот бўйича тўртинчи миллий маърузаси тақдим этилди.

эканни белгиланган. Бундан ташқари, мазкур ҳужжатда давлатнинг ҳуқуқий ҳимояга доир барча ички воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, фуқарога инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи халқаро органларга мурожаат қилиш ҳуқуқи берилган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ролини ошириш, хусусан, Конституциянинг 56-моддасида инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тўғрисидаги қондалар мустаҳкамлангани муҳим демократик қадамдир. “Болалар омбудсмани тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди.

Фуқароларнинг бепул юридик ёрдам олиш ҳуқуқи конституциявий даражада мустаҳкамланган. Қонунга кўра, кам таъминланган, руҳий ҳолати бузилган жисмоний шахсларга психиатрия ёрдами кўрсатилаётганда хотин-қизлар ва эркекларнинг тенг ҳуқуқлилиги таъминланган тўғрисидаги ишларни судларда кўриш чоғида давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилади.

ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазоларга йўл қўйилмаслиги белгиланган. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Нельсон Мандела қондалари миллий қонунчилигимиз ва ҳуқуқий амалиётга татбиқ этилган.

Юртимизда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига мунтазам татбиқ этиб келинмоқда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва лойиҳаларининг гендер, инсон ҳуқуқлари ва коррупцияга қарши экспертизаси амалга ошириляпти. Инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларига риоя этилиши бўйича парламент комиссияси фаолият юритмоқда.

Мамлакатимиз 2021 йилда Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилди. Унинг қондалари “Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисида”ги янги қонунда ўз аксини топди. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг жамиятга интеграциялашуви, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётда фаол иштирок этиши учун зарур шарт-шароит яратилмоқда.

Инсон ҳуқуқлари маданияти ва бағрикенглик

Давлатимиз сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини ривожлантириш ҳамда жамиятда миллатларо, динларо, тотувликни мустаҳкамлашдир. Хусусан, Конституцияимизнинг 19-моддаси асосида Ўзбекистон Республикасида барча фуқароларнинг бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиши, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги кафолатланади.

Миллатларо муносабатлар соҳасида давлат сиёсати концепцияси амалга оширилмоқда. Дунёда Халқаро дўстлик куни деб эълон қилинган 30 июль санаи мамлакатимизда Халқлар дўстлиги куни деб қабул

Экология



Рустам БОЙТЎРА, журналист

Ўрмонлар, умуман, дарахтларнинг йилдан йилга камайиб кетаётгани ҳам маҳаллий, ҳам глобал экологик муаммолар сирасига киради. Зотан, давлатлар ўртасида чегара бўлса ҳам табиатлар ораллигида чизик тортиб бўлмайди. Дарахтларнинг аёвсиз кесилиши, қуриб қолаётгани экологик вазиятнинг бузилишига олиб келмоқда. Экологик вазият эса шунчаки атама эмас. Уни мувозанатда ушлаб туриш, табиатни асраш инсон саломатлиги, тирикчилигимиз манбаи бўлган сув ва ҳаво, озик-овқат хавфсизлиги каби ўта муҳим омилларни муҳофаза қилиш, демакдир.



ШАҲАР ҲАВОСИ ИФЛОСЛАНИШИГА ТОҒЛАР АЙБДОРМИ?

“Одамнинг табиатга таъсир кўрсатиб, уни ўз эҳтиёжларига мослаштиришга уриниши Ернинг бекиёс кен ҳудудларида фауна ва флорани ўзгартиради. Табиат қонунларини чуқур билмасдан табиий мувозанат бузилишига сабаб бўладиган фаолият қўтилмаган салбий оқибатларга олиб келиши мумкин”, дея қайд этилган имлий-қомусий китобларда. Неча ўн йиллар аввал айтилган бу фикр якунини энди “салбий оқибатларга олиб келиши мумкин”, деб эмас, “олиб келди”, деб бемалол айтиш мумкин.

Албатта, бирор-бир мамлакатда дарахтлар кўплиги, биринчи навбатда, уларнинг ҳудуди катталиги, табиати (ёгин-сочин), сув захиралари, бу борадаги қонунчиликка риоя этилиши, энг муҳими, аҳолининг табиатни асрашга нисбатан қарашларига боғлиқ.



Жорий йилги баҳор мавсумида дарахтларни сугориш ва парваришлаш ишларини ташкил этмаган ҳамда экилган кўчатларнинг кўкарувчанлигини таъминлаш чораларини кўрмаган масъулларга эътиборни 8856 та мажбурий кўрсатма берилиб, талабларни бажармаган 1604 шахсга нисбатан 1 миллиард 649 миллион сўм миқдоридан маъмурий жарима қўлланди.

Кўчатларнинг қуриб қолишига асосан сугориш тизими бўлмаган яроқсиз жойларга экиш, қаровсизлик ва сувсизлик, кўчат экиши да белгиланган оралиқ масофа сақланмагани сабаб қилиб кўрсатилган. Лекин қўланган жарима кўчат экиш учун сарфланган маблағ ўрнини қайсидир маънода қоплар, аммо вақтин оорта қайтара оладими?

Ўрмонлар, умуман, дарахтларнинг тез ва катта қўламда кесилиши ўша ҳудуддаги ўсимлик ва ҳайвонот оламининг айрим турлари йўқолиб кетишига, экология, биринчи навбатда, ўзимиз нафас олаётган ҳавонинг кучли ифлосланишига олиб келади. Бу, айниқса, транспорт воситалари кун сайин кўзайиб бораётган бир пайтда янада яққол сезилаётди.

Дарахтни кўпайтириш, кўкаламзорлаштириш шаҳар шaroитида жуда ҳам зарур: атмосферадаги карбонат газини миқдорини камайитириш, ҳавони тозалайди, ҳаракатдаги кўп сонли автомобиллар шовқинини пасайтириб, ишоотларни чанг ва шамолдан ҳимоялайди. Ҳаво намлигини сақлайди, очик ҳавода дам олиш учун қўлай шaroит юзага келтиради. Яшилликка бурканган атроф-муҳит инсоннинг асаб тизимига тинчлантирувчи таъсир кўрсатади.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг Тошкент шаҳрида атмосфера ифлосланишига таъсир этаятган омилларни санаб ўтди. Хусусан, пойтахтда атмосфера ифлосланиши даражаси ортиб бораётганига табиий ва антропоген омиллар сабаб бўлаётгани қайд этилган.

Жумладан, дарахт ва буталар кесилишига қарши эълон қилинган мораторий даврида 49 мингга яқин дарахт ноқонуний кесилган.

Сайёрамизда ҳозир 3 триллион дарахт ўсиб турибди, дея хабар беради АҚШдаги Йель университети тадқиқотчилари сунъий йўлдош ва ўрмон ҳўжаликлари маълумоти асосида тайёрлаган кузатувларига таяниб. Бу киши бошига 400 туздан ортиқ дарахт тўғри келади, дегани. Аммо сиз “Ухўў, жуда кўп экан”, дея хотиржам тортишга шошилман. Чунки биздан жуда олис ҳудуддаги мамлакат ўрмонлари, дарахтлари ўзимиз яшаётган ҳудуд (шаҳар, қишлоқ) ҳавосини тозалаш, кўпроқ кислород билан таъминлаб бермайди. Қолаверса, ҳар йили жуда катта майдондаги ўрмонлар кесилаятгани етмагандек, ёгинлар сабаб янада сийрақлашиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 30 декабрдаги “Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарахтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони аввалида бундай қайд этилган: “Сўнгги йилларда аҳоли пунктларини кўкаламзорлаштириш, дарахт ва буталарни муҳофаза қилиш ҳамда яшил майдонларни кенгайтириш борасида тизимли чоралар кўрилоқда. Қимматбаҳо навли дарахт ва буталар кесилишига мораторий жорий қилиниши, дарахт кесанлик ҳолатлари учун жарима ва компенсациялар миқдорининг оширилиши шулар жумласидандир.

Бироқ масъул ташкилотларнинг амалга оширилайётган ишларга суствашлик билан ёндашиши ҳамда айрим шахсларнинг ўсимлик дунёси объектларига бўлган таъвоувкор ҳаракатлари, шу жумладан, дарахтларни ноқонуний кесиб билан боғлиқ ҳолатлар умумэкологик вазиятнинг ёмонлашишига сабаб бўлмоқда”.

Шу билан бирга, мамлакат миқёсида дарахтзорларни кўпайтиришга қаратилган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси татбиқ этилиши, дарахтларни экиш ва парвариш қилиш соҳасидаги тизимли тақомиллаштириш устувор вазифа сифатида белгилаб ўтилган.

Хўш, бу борада вазият қандай?

Ўрмон ҳўжалиги агентлиги маълумотига кўра, бугун Ўрмонларимиз ҳудуди 11,9 миллион гектардан иборат бўлиб, юртимиз умумий ер майдонининг 26,4 фоизини ташкил этади. 2023 йилда 235 минг гектар майдонда ўрмон барпо қилиш ва қайта тиклаш тадбирини бажарилган, ўрмон фонди ерларининг фойдаланилмаётган 7012 гектари ўзлаштирилган. Оролбўйи ҳудудининг экологик барқарорлигини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ туманида 127,8 минг гектар, Бухоро вилоятида 40,6 минг, Навоий вилоятида 43,7 минг ва Хоразм вилоятида 10,6 минг гектар майдонда саксовул ва бошқа чўл ўсимликларидан яшил қопламалар барпо этилган.

Айни маълумотлар бу борадаги ҳолат кўнгилдагидек экан, деган тасаввур ҳосил қилади. Бироқ бажарилаётган ишлар самараси йўқотишлар, яъни қурилушлар, ёнин, сувсизликдан қуриб қолиш ва бошқа сабаблар билан санақдан чиқиб кетаётган дарахт, яшил қопламалар ўрнини қанчалик тўлдиряпти, ўртада мутаносиблик бўзилмаётгани, деган саволларни пайдо қилади.

Жумладан, кейинги йилларда “Яшил макон” лойиҳаси доирасида экилаётган юз минглаб кўчат турли сабаблар билан қуриб қолгани ҳақидаги ташвишли хабарлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинди.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг жорий йилга оид маълумотларига кўра, масъуллар эътиборсизлиги туфайли республика бўйича 608 минг тул, жумладан, Тошкент шаҳрида 321,7 минг, Самарқанд вилоятида 96,4 минг, Тошкент вилоятида 66,9 минг, Қорақалпоғистонда 61,2 минг, Бухоро вилоятида 23,7 минг, Навоий вилоятида 15 минг кўчат сугориш тизими мавжуд бўлмаган ҳудудларга экилган. Шу сабабли уларнинг катта қисми қуриб қолган.

Бу илк хатолар эмас. Бундан икки-уч йил аввал ҳам бу каби ўта нохўш ҳолатлар қайд этилган. Жумладан, 2021 йил куз ва 2022 йил баҳор мавсумида Тошкент шаҳри ва вилоятидаги туман (шаҳарлар), аҳоли пунктлари, халқ ҳўжалиги объектлари атрофида яшил ҳудуд барпо этиш ва 1 миллион тул дарахт кўчати экиш режалаштирилган эди. Экилган 75 минг ниҳолдан 52 минг тупдан ортиғи қуриб қолган.

Ўрмончилик УЗОҚ УМР КўРУВЧИЛАРНИНГ СИРЛИ МАНЗИЛИ

Яқинда ижтимоий тармоқларда бир маълумотга кўзим тушди. Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи (IUCN) маълумотига кўра, айни пайтда дунё бўйича дарахтларнинг 38 фоизи йўқолиб кетиш арафасида. Дарахтларнинг камайиши минглаб бошқа ўсимликлар, замбуруғлар ва ҳайвонлар учун катта хавф мавжудлигини кўрсатади. Дарахтлар углерод, сув ва озука моддаларининг айлиниши, тупроқ шаклланиши ва иқлимнинг тартибга солишидаги ўрни орқали ердаги ҳаёт учун асосий манбадир. Аммо дарахтлар популяциясига бевосита инсон омили ҳам таъсир кўрсатади. Хусусан, мазкур ташкилот рўйхатига киритилган 5000 дан ортиқ дарахт тури қурилишда ёғоч учун, 2000 дан ортиқ тури эса дори-дармон, озик-овқат ва ёқил сифатида ишлатилар экан.

чиқарилишига сабаб бўлarkan. Бу эса иммун тизимининг яхшиланиши, одамнинг яшаришига олиб келади. Балки шунинг учундир ўрмончилик соҳаси вакиллари узоқ умр кўрувчилар тоифасига киради.

— Ушбу ўрмоннинг гектари бир йилда 14 тонна кислород чиқариб, 35 тонна чангни ушлаб қолишга қодир. Шу билан бирга, 25 гектар майдонни қургочлик ва чанг бўронидан ҳимоя қила олади, — дейди Субҳон Абдусаломов. — Яқинда Президентимиз раислигида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида амалга оширилган ишлар натижадорлиги ва келгусидаги устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида мамлакатимизда ҳар йили 200 миллион дарахт ва бутта экиб, яшилликни 2030 йилгача 30 фоизга етказиш кераклиги маълум қилинди. Бундай чора-тадбирлар орқали иқлим ўзгариши туфайли тез-тез содир бўлаётган бўронлар, чўлланлишлар бартараф этилади.

Хамроҳимнинг айтишича, мазкур ўрмон ҳўжалигига 1890-йилларда асос солинган. Бу ердаги қарағайлар 70 даражали совуққа ҳам чидайди, ёмғирни яхши кўради. Ушундан қўйиб ўзидан эфир мойи, бальзам, учувчи витамин, танин ва бошқа моддалар чиқаради. Демак, ўрмонга қадам қўйишимиз билан биз ҳис этган хуш кайфият ана шу фойдали моддалар туфайлидир.



— Дарахтларни жонсиз дегувчилар катта хато қилади. Уларда ҳам дард бор, озор берилса, оғинади, овоз чиқаради, — дея Субҳон Абдусаломов ўрмондаги баъзи дарахтларга қўйилган белгиларни кўрсатди. — Мана бу белгилар оналик ва оталики билдиради. Шунга қараб улардан уруғ оламиз. Кўчат етиштириш жараёнида қизик ҳолатларни кузатганимиз. Арча, қарағай кўчатини уруғдан ўстирамиз. У беш, баъзан етти йилда тайёр кўчат бўлиб етилади. Ёнма-ёни ўсаётган ниҳолларнинг ёнига бошқа янгисини олиб келиб қўйсангиз борми, ана унда кўринг

томошани. Бу ҳолатда аввалги кўчатларнинг авжи кескин пасая бошлайди. Ўрмондан сал нарироқда махсус кўчатхоналар мавжуд. Уларда кўйлаб дарахтларнинг уруғидан ниҳоллар етиштирилади. Ҳозир ўрмон ҳўжалигида қирқ турдан ортиқ ноёб дарахт ва бутанинг кўчати кўпайтириляпти. Улар орасида оқ қайиндан тортиб, мовий қарағай, лола дарахти, Тяньшань қарағайи, Хитойдан келтирилган павловния, япон сафораси ва қалам дарахтигача бор. Буларнинг барчаси — табиатимиз учун, экология учун. Дарвоқе, атиги саккиз йилда улкан дарахтга

айланадиган павловниянинг ҳосияти кўп. Унинг ёғочи нафис, пишшқ, жилвадор бўлган боис, мейелсозликда кўп ишлатилади. Барги йирик, зарарли газларни ютиб, кислородни кўп ажратади. Чиройли гулларидан нектар миқдори одатдагидан икки-уч хисса ортиқ бўлган боис, асалариларни ўзинга чорлайди. Павловнияни шаҳар атрофидаги йўл ёқаларида экиб, ўстириш ажойиб самара беради.

Бу манзарали гўшада фақат дарахт кўчати эмас, мева етиштириш, асалари парвариш, доривор гиёҳларнинг тул ва барглари

Шаҳарсозлик бош режалари тасдиқланмай, қурилиш ишлари бетартиб амалга оширилмоқда.

Транспорт воситаларининг экологик тозалик даражаси фойдаланилаётган ёнлиги ва йўл ҳаракатини ташкил этиш сифатига боғлиқ бўлиб қолмоқда дейиладиган вазирлик маълумотида. Республикаимиз бўйича автомобиллар сони 2021 йилда 3,14 миллионгача ташкил этган бўлса, 2023 йилда 4 миллион 600 мингга етган.

Бугун Тошкент шаҳрида бир кунда ўртача 730 мингта автотранспорт ҳаракатланса, қўшимча равишда ҳудудлардан 160 мингдан 300 минггагача автотранспорт кириб-чиқади. Халқаро стандартларга тўғри келмайдиган А-80 маркали бензиндан фойдаланаётган техника воситалари эса атмосферага меъеридан ортиқ зарарли ташламалар чиқаряпти деб қайд этади вазирлик.

Шу билан бирга, шаҳарларда транспорт ва пиледалар оқимининг кесимишлари сони камайитирилмаган, магистраллардаги юклама даражаси пасайтирилмаган, транспорт оқими таркибинин, тезлик режимини тартибга солиш цикли оптималлаштирилмаган, йўл ҳаракати тўғри ташкил этилмаган. Натияжада Тошкент шаҳрида тирбандликлар кўп қузатилмоқда. Тирбандликда тўхтаб турган автомобиль эса ҳаракатланаётган транспортга нисбатан атмосферага кўпроқ ташлама чиқаради.

Муаммонинг юзага келиши, кучайиши бир-бирига занжирдек боғланиб кетганини қуйидаги фактлар тасдиқлайди. Жумладан, иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолининг энергия ресурсларига талаби ортиши натижасида углеводлардан, жумладан, кўмир ёқилгисидан фойдаланиш ҳажми ортмоқда. Қиёслаш учун: 2019 йилда 3,9 миллион тонна кўмир ишлатилган бўлса, 2023 йил якунига келиб бу рақам 5,3 миллион тоннани ташкил этди.

Бу фактга алоҳида эътибор қаратишдан мақсад шуки, кўмир казиб олиш, ташиниш ва фойдаланиш жараёнида ундан чиқадиган зарарли моддалар атмосфера, тупроқ ва сув ресурслари ифлосланишига олиб келаётди. Тасаввур қилишингиз учун келтириб ўтамиз: 10 тонна кўмир ёқилганда атмосферага 220 килограмм қўрум, 360 килограмм олтингурут оксиди, бундан ташқари, углерод оксиди ва кул чиқиндисин ажралиб чиқади. Шу билан бирга, иссиқлик марказлари томонидан қўшимча ёқилги сифатида мазутдан фойдаланилаётгани ҳам ҳаво ифлосланишини кучайтиради.

Пойтахт ҳавоси мусофқолинини сақлашда яна бир мураккаб жиҳат бор. Тошкент тоғлар билан ўралган ва чуқурликда жойлашган сабабли шамол яхши айланмаслиги ҳисобига чанг оқими шаҳарда димланиб қолаётди деб таъкидланади маълумотда.

Юртимиз ҳавосини муҳофаза қилиш бўйича катта мақсадлар белгиланган ва дастлабки қадамлар ташланган. Жумладан, санаот корхоналарида замонавий чанг-газ тозалаш ускуналари ўрнатилиб, мавжудларни реконструкция ва модернизация қилинган. Корхоналар жойлашган ҳудудларда атмосфераини ифлослантирувчи манбаларни кузатиш, назорат қилиш постлари, мониторинг юритиш учун автоматик станциялар ўрнатилган. Бу, албатта, муаммони бартараф этиш ва экологик вазиятни барқарорлаштириш имконини беради.

Республикаимиздаги барча дарахт рақамлаштирилиб, хатловдан ўтказилаётгани, Тошкент шаҳрида эса синнов тизимда дарахтлар паспортиштирилиши ҳам режа ва мақсадлар аниқлигидан далолат беради. Ёнг муҳими, уларни ўз муддатида, сифатли ва албатта, самарали амалга оширишда. Акс ҳолда, юртимиз табиатини асрашга оид қарорлар ҳамда белгиланган вазифалар ижроси ҳудуди ноқонуний кесилган дарахтлар, қуриб қолган кўчатлар каби ҳолатга тушиб қолмаслигига ҳеч ким қафолат беролмайди. Ана унда ҳаво ифлосланиши сабаблари қаторига шаҳарнинг тоғлар билан ўралганини қўйиш ҳам ўзини оқлай олади. Табиат биз яшаётган макон, ватанимиз қиёфаси. Зеро, ҳикматларда таъкидланганидек, “Табиатни асраш ватанини асраш демакдир”.

Йиғиш билан шуғулланишда. Ўтган йили йўрмончилик фармацевтика санаоти учун 42 тонна доривор ўсимлик ва ноёб мева етиштириб берибди. Улар орасида унаб, топинамбур, тирноқгул, мойчечак, наъматак сингари шифобахш ўсимликлар бўлиб, инсон саломатлиги учун беқиёс аҳамият касб этади.

Шу ўринда катта бизнес эгаларига бир таклиф: юртимизда етиштирилаётган бебаҳо, шифобахш бу каби неъматлар қадоқланиб, хорижа экспорт қилинса, жаҳон бозорида харидорини, албатта, топади.

Субҳон ака суҳбатимизни селекция мавзусига қаратиб, маҳаллий ўрик навлари йўқолиб кетаётганини қуйинчаклик билан гапириб қолди:

— Шафтолиларнинг “Жаҳонгир”, “Лола”, “Фарҳод”, олманин “Размарин”, “Афросиёб”, “Қандил” деган навлари бўларди. Баҳоргача суви қочмай турарди, ҳозир йўқолиб кетди. Шунинг учун бозорларимизга кўп мева четдан кириб келяпти. Кўпининг чиройи бор, таъми йўқ. Президентимиз ўтказган видеоселектор йиғилишида уруғ олиш учун ўрмон ҳўжаликларида соғлом оналик плантациясини танлаш орқали йилга 1,5 минг тонна уруғ тайёрланиши, Жанубий Корея тажрибаси асосида сувсизликка чидамли, иқлим шароитига мос ёпиқ илдизли контейнер ва инвитро усулида 2 миллион кўчат етиштириш тизими йўлга қўйилиши белгилаб берилди. Буни мамнуният билан қабул қилдик. Албатта, энди кўчатчилик соҳасига жорий этиладиган бундай инновациялар, янгиликлар бозорларимизда ҳосилдор ва ширадор мева турлари кўпайишини аналгатади.

...Ўрмондан олислаш туриб, уч асрни кўраётган бу дарахтлар, қанчадан-қанча дайдиди шамолларга, чанг-тўзонларга қалқон бўлганини англаймиз. Ўрмонлар, яшил манзиллар бор экан, яна минг йиллар улар инсониятга беминнат хизмат қилиб, ўпкаимизга соф ҳаво, қалбимизга ҳаловат улашаверади.

Шухрат НОРМУРОДОВ, журналист

ТАННАРХ МУҲАНДИСЛИГИ

ИЛГОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Нуқтаи назар

Охириги йилларда дунё илм-фани шиддат билан ривожланмоқда. Айниқса, инсоният технология соҳасида оламшумул ютуқларни қўлга киритди. Бугун ҳар бир давлатнинг ривожланиш даражаси ишлаб чиқариш, саноят, ижтимоий-иқтисодий соҳадан тортиб, мамлакат мудофаа секторигача юқори технологияларнинг қай даражада татбиқ этилганига боғлиқ. Бу ривожланган давлатларнинг ялпи ички маҳсулотига ҳам яққол кўзга ташланади. Сўнгги беш йилликда дунёда бўлаётган геосиёсий жараёнлар ва ҳарбий низоларда ҳам юқори технологик қурилмаларнинг ўрни алоҳида кўзга ташланмоқда.



Абдуғаффор Жўраев, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Албатта, юқоридаги омиллар асосида мамлакатимизда ҳам бу соҳада катта ишлар қилинмоқда. Барча соҳага илм-фанга асосланган юқори технологияларни жорий этиш, ахборот технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланиш бўйича ишлар бажарилмоқда. Айниқса, электр энергиясини ишлаб чиқариш, рақамлаштириш борасида катта ишлар қилинди. Юртимизда мазкур соҳадаги ислохотлар бевосита кадрлар салоҳияти билан узвий боғлиқ.

Ўзбекистон олий таълим тизимидаги янги-лангишларни меҳнат бозори учун рақобатбардор кадрлар тайёрлаш, шунингдек, мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасини малакали олий маълумотли мутахассислар билан таъминлаш борасидаги кенг кўламли ислохотларда кўриш мумкин. Бундан ташқари, кўп-лаб хусусий олий ўқув юртлиари ва хорижий

университетлар филиаллари ташкил этилиши аграр таълим тизимида бозор механизмлари асосида рақобатбардор кадрлар тайёрлашни тақозо этади. Ушбу жараёнда аграр таълим муассасалари қишлоқ хўжалиги соҳаси учун етакчи кадрлар манбаи сифатидаги маъқени сақлаб қолиши зарур. Шу боис, бой тарихга эга ва мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ривожига катта ҳисса қўшиб келаётган аграр таълим тизимида фаолият юритувчи муассасалар бозор механизмларини жорий этиш, замонавий таълим муассасалари сифатида тан олин-ниш учун етарли шарт-шароитга эга.

Президентимиз жорий йил 20 июнда “Инно” инновацион ўқув-ишлаб чиқариш технопаркига ташрифи чоғида муҳандислик соҳаларида кадрлар тайёрлаш ва олий таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ўтказилган йиғилишда ҳам асосий эътибор юқори технологиялар соҳасига қаратилди.

Мамлакатимиз раҳбари юртимизда илм, таълим ва инновацияга эътибор тубдан ўзгарганини таъкидлади. Масалан, ўтган тўрт йилда 1727 та амалий, инновацион, фундаментал ва стартап лойиҳага 2,2 триллион сўм йўналтирилган, шундан муҳандислик-техника йўналишидаги 176 та лойиҳага 152 миллиард сўм ажратилганини айтиб ўтди. Шунга қарамай, олийгоҳлар фундаментал тадқиқотлар ўтказиш билан чеклангани, иқтисодиёт учун амалий ишланмалар жуда камлиги қайд этилди. Қисқаси, бу соҳадаги ишлар ҳозирги тезкор давр талабларига жавоб бермаслиги очиб қўйилди. Президентимиз муаммонинг сабабларига ҳам тўхталиб, олийгоҳ билан саноят ўртасида узилиш борлиги, ректорлар корхоналарга бориб, янги технологиялар билан танишмаётгани, ускуна ва дастхоналарни ўрганаётгани, ҳоким ва вазирлар эса ўртада кўприк бўлиб, буни ташкиллаштирмаётгани ҳақида қатъий эътироз билдирди. Шунингдек, юртимизда йилга 3 мингта саноят корхонаси ишга туширилиб, уларда 150 минг агрофида иш ўрни яратилаётгани таъкидланди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари яна бир жиҳатга ургу қаратди. Бугун бутун дунёда



саноятда таннархни камайитириш масаласи жуда долзарблиги, хорижий олийгоҳларда “таннарх муҳандислиги” деган фан борлиги, ҳатто кадрлар тайёрланишини таъкидлади. Бироқ мамлакатимиздаги бирорта техника олийгоҳида бу йўналишлар йўқлиги афсус билан қайд этилди. Натيجида маҳаллий саноят тармоқлари катта маблағ сарфлаб, ишчиларини хорижда ўқитишга ёки четдан мутахассис олиб келишга мажбур бўлаётгани қўшимча қилинди.

Мутасаддиларга вазиятни ўнглаш бўйича қатор топшириқлар берилди. Жумладан, хориждаги олийгоҳлар тажриба ишлаб чиқариш корхоналарини (спин-офф) очиб,

кузатишмоқда. Корхоналарнинг рақобатбардорлик даражасига билим-ларни шакллантириш, жамлаш ва ривожлантириш, улар негизда инновациялар яратиш, охири-оқибатда рақобат соҳасида барқарор устунликка эришиш имконияти кучлироқ таъсир кўрсатмоқда. Шу боис, янги Ўзбекистонда асосий мақсад таълим жараёнини ривожлантириш ва сифат босқичига олиб

чиқиш, меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган малакали кадрлар тайёрлаш, ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш, илм-фаннинг янги ютуқларини амалиётга киритиш, мамлакатда таълим тизimini ислоҳ қилиш юзасидан ижобий ўзгаришларга қаратилган.

Мазкур соҳадаги ишлар ва ислохотларни янада чуқурлаштириш, амалий натижаларини қўлга киритиш учун қатор жиҳатларга ҳам эътибор берилса, мақсадга мувофиқ бўларди, назаримизда. Жумладан:

— техника ва аграр соҳа учун кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари фаолиятини педагогик-услубий жиҳатдан мувофиқлаштириш аграр таълим муассасалари ва унинг филиаллари тузилмаларида кадрлар тайёрлаш ва ишга жойлаштиришни мониторинг қилиш учун махсус бўлимлар ташкил қилиш;

— мазкур йўналишдаги таълим муассасалари фаолиятига таъсир этувчи ва ҳамкорликдаги муаммоларни ечишда бошқарув

услугларини замонавийлаштиришни йўлга қўйишда раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш курсларини очил;

— иш берувчи ташкилотлар томонидан таълим йўналишлари бўйича зарур билим ва малакага эга кадрлар учун йил давомида танловлар эълон қилиш. Танлов якунлари бўйича ишга қабул қилинган кадрларни малака ошириш, қайта тайёрлаш ҳамда иш ҳақи билан таъминлаш масалаларини ҳал қилиш;

— муҳандислик, техника ва аграр таълим муассасалари моливий мустақиллигини инобатга олган ҳолда, тўлов-контракт миқдори мустақил белгилашни, дуал таълим тизимида ишлаш бўйича таъсирчан ягона тартиб ва низо ишлаб чиқишини тезлаштириш;

— Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан ҳамкорликда қишлоқ хўжалиги учун ишчи касблари бўйича мутахассислар тайёрлашда касблар классификаторини такомиллаштириш ва касбий мутахассислик стандартларини ишлаб чиқиш;

— соҳа бўйича жорий қилинаётган инвестиция лойиҳалари таркибиде қоида тартибиде улар умумий қийматининг камида 2 фоизгача бўлган миқдорда таълим компоненти бўлишини кўзда тутиш, бу маблаг-ни марказлашган ҳолда педагог ходимларнинг илгор хорижий тажрибани ўрганиши, моддий-техник базани модернизациялаш, янги авлод ўқув дарсликларини мақсадли яратишга йўналтириш;

— Олий таълимни 2020-2030 йилларда ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифалар, жумладан, профессор-ўқитувчиларнинг талабалар сонига нисбати ўзгартирилиши, таълимнинг кредит-модуль тизими жорий этилиши муносабати билан улар сонининг мақбуллаштирилиши сабабли бир гуруҳ олий таълим ходимларини ўрта махсус таълимга жалб қилиш учун зарур мотивация бериш мақсадида белгиланган иш ҳақи тўла тизimini сақлаб қолиш ҳамда жойларда ижтимоий имтиёз (арзон уй-жойлар ажратиш, имтиёз кредитлар ёки лизинг асосида автоматшанларлар бериш.

Бугун таълим соҳасидаги ислохотлар мамлакатимизнинг эртанги тараққиётини белгилаб берувчи асосий мезондир. Боиси, талабаларнинг замонавий билим ва кўникмаларга эга бўлиши кадрлар салоҳиятини белгилайди.

Мўъжазгина ҳовли. Аниқ ҳисоб бўйича айтилса, нари борса, тўрт сотихдан ошмайдиган томорқа. Лекин бу ердаги дараклар ҳосилини кўрган кишининг ҳаваси келади. Бир томонда қирмизи олмалар, иккинчи томонда хар бири насаб икки кило тош босадиган анорлар. Нокдан тортиб, мазаси тил ёрадиган анжиргача, қор тушгунга қадар вайишда осилиб турадиган ширин-шакар хусайни узум, сақласа, кўкламга қадар турадиган хурмогача топиш мумкин.



Иш билганга минг танга

бошлади. Мактабдан оладиган маоши эса камлик қиларди. Ўйлаб кўрса, дарси йўқ кунлари вақти бехуда кетаётган экан. Бундан ташқари, бошқа кунлари ҳам тушдан сўнг кечга қадар анча иш қилиш мумкин. Лекин нима билан машғул бўлиш кераклиги ҳақида номи қотарди. Аввалига чорвачилик билан шуғулланиб кўришга аҳд қилди. Бу ҳам осон бўлмади. Сабаби чорвачилиқдан умуман хабари йўқ эди. Шундай қиларининг бирида отаси боғдорчилик билан шуғулланиб кўришни маслаҳат берди. Болалиғида бу бор-рада яхши тажриба тўплаганини ёдига солди. Бобосидан ўрганганларини бугун амалда қўллаш вақти келганини таъкидлади. Бу ёш ўқитувчига ҳам маъқул келди.

Эрта баҳорда ҳовлисига турли дараклар ниҳолни қадаб чиқди. Бир четга эса иссиқхона учун жой ажратди. Пайвандлаш вақти келгач, эккан даракларига сархил мевали дараклар новдасини пайвандлашга кириш-

Орадан уч йил ўтиб, иссиқхонадаги дараклари ҳосилга кирди. Пайванд қилинган ниҳоллар анча буй кўрсатиб, энди бемалол бозорга чиқаришга тайёр ҳолга келганди. Биринчи йили кўчат савдоси билан шуғуллангани боис, анча ҳаракати суст эди. Лекин топган даромади чакки бўлмади. Куз келгач, иссиқхонадаги ҳосилга харидорлар кела бошлади. Бундан ҳам анча маблағ ишлаб топди. Маъқул жиҳати, иссиқхонадаги мевалар то баҳорга қадар ҳосил бериб, рўзгорга фойдаси тегиб турди. Бундан куч олган ёш ўқитувчи кўпроқ меҳнат қиладиган бўлди.

Орадан бир оз вақт ўтиб, уч сотихли томорқа кўчатчиликка торлик қилиб қолди. Ҳусниддин бошқа жойдан ер олиб, ишини янада кенгайтириш ҳаракатига тушди. Отаси билан маслаҳатлашиб, “Шавкат Ҳазратович” кўчатчилик фермер хўжалигини ташкил этди. Икки гектар ер олиб, ишлайдиган бўлди.

қилиб бермайди. Шукр, меҳнатим ортидан даромад топиламан. Бундан ташқари, жисмоний ҳаракат саломатлик учун жуда фойдали. Ҳар кун мактабдан қайтиб, бог оралайман. Бир зумда барча чарчоғим унутилади. Ниҳолларга қараб, кўзим қувнайди.

Ёш боғбон икки гектарда кўчатчиликни бошлаганига ҳам беш йилга яқинлашиб қолди. У етиштирган ниҳоллар ҳозир юртимизнинг турли худудларини ашилликка бурканшига ҳисса қўшиб турибди. Айнан шу фермер хўжалиқнинг ўзида йилга 30 минг туспа яқин кўчат савдога чиқарилади.

— Ҳозир боғимизда 40 мингта яқин мевали даракт мавжуд, — дейди Ҳусниддин Ҳазратов. — 10 мингдан ортиқ манзарали даракт ва яна шунча ток ниҳол бор. Шу билан бирга, 10 мингта яқин турли навадаги гул кўчатлари ҳам етиштирганамиз. Айни пайтда гул кўчатлари сотуви йўлга қўйилган. Даракт ниҳолларини савдога чиқаришга ҳали бир оз вақт бор. Жорий мавсумда йигирма мингдан зиёд мевали даракт кўчати сотишни режалаштириб турибмиз. Ҳозирданок Жиззах, Самарқанд ва Тошкент вилоятларидан харидорларимиз буюртма бера бошлади. Мавсум бошлангач, уларга етказиб беришга киришамиз.

Ёш боғбон томорқасидаги иссиқхонасидан ҳам яхшигина даромад олапти. Хусусан, иссиқхонадаги турли ноёб гул, лимон, мандарин, апельсин кўчатлари анча харидордир. Шу билан бирга, иссиқхонанинг бир қисмида қишки пайтда исмалок, шивит, пизэ каби кўчатлар етиштирилмоқда. Бир қараганда оддий кўринган айнан шу кўчат етиштиришдан ҳам каттагина даромад олиш мумкинлигини Ҳусниддин айрим ҳамкасбларига ўқитиб келади.

Пайванд қилинган ниҳоллари савдосидан эса жорий мавсумда ёш ўқитувчи камида уч юз миллион сўм даромад олиш арафасида. Ўтган йилги мавсумда фойдаси икки юз миллион сўмдан ошгани уни янада кўпроқ меҳнат қилишга ундадигани. Демак, тез орада Ҳусниддиннинг кўчат бозори аваж олади. Бу эса унга даромад олиб келиш билан бирга, энг муҳими, юртимизнинг кўлаб худудларини ашилл маконга айлантиришга эга бўлса-да, ҳисса қўшади.

Ақбар РАҲМОНОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

БИР МАВСУМДА 300 МИЛЛИОН СЎМ ФОЙДА

ЁШ ЎҚИТУВЧИ МЎМАЙ ДАРОМАД ТОПИМОҚДА

Ҳусниддин ҳар сафар бобосига эргшиб, шу мўъжаз бог оралашни ёқтиради. Боиси, оппоқ соқоли ўзига ярашиб турган нуруний қўлига қайчи олиб ишга киришдики, албатта, набирасига дараклар билан “тиллашми” ҳақида сўз очади. Қайси бирига қандай ишлов беришни бир бошидан гапириб беради. Набираси зерикмаслиги учун даракларга сўз очиб, улардан жавоб олгандай бўлади. Била тилида гапиршига ҳаракат қилиб, иложи борича ёш ҳамроҳига ўргатаётганлари қалбига қадар етиб боришини истади. Бундан ҳайратланган болакай қандай қилиб ниҳолларнинг тилини тушуниш мумкинлигини билишга қизиқади. Ҳар гал бобосини саволага тутиб, бунинг сирини ўргатишни сўраб, ин-

жиқлик қилади. Бундан завқланган мўйсафид табассум қилганча, аслида, бу осон эмаслигини, бунинг учун анча тер тўкиш лозимлигини ўқтиради.

У пайтлар Ҳусниддин олти-етти ёшлар агрофида бўлса-да, бобосининг сўзларини унчалик тушуниб-тушунмас, лекин ҳар бирини хотирасига муҳрлаб боришга интиларди. Айниқса, пайвандлаш даври келганда бобосидан бир қадам ҳам акраламасди. Отахонининг ҳар бир хатти-ҳаракатига диққатли бўлиш, ўша жойининг ўзида шу ишни ўзи ҳам тақорлаб, хатосини ундан сўраб тўғрилаб кетишга чоғланарди.

Пайванд қилган новдалари ниш уриб, кўк-лаганида қувончи ичига симсади. Илгари

бобомнинг қўли сеҳрли бўлса керак деб ўйлаб юрарди. Кейинчалик бу “сеҳр” ўзига ҳам ўтганидан мамнун бўлди. Пайванд қилган ҳар бир ниҳолга эътиборли бўлиб, парваршилар эди. Ҳосилга кирганида эса ундан бахтли одам бўлмасди.

Ҳусниддин вояга етиб, олийгоҳга ўқишга кирди. Фаол талабалар қатори ўқишини тамомлаб, Китоб туманидаги ўзи туғилиб ўсган Ҳаловат қишлоғида жойлашган 26-мактабга ишга жойлашди. Ёш ўқитувчига ажратилган дарс соатлари унча кўп эмасди. Ойлик ҳам шунга яраша чиқарди. Аввалига маош камлиги деярли сезилмади. Кейинчалик онла қуриб, рўзгор ташвишлари ортиб боравергач, айрим етишмовчиликлар кўзга ташлана

ди. Пайвандланган ҳар бир ниҳолни эътибор билан парваршилай бошлади. Мактабдан қайтиши билан томорқага йўл олиб, ишга киришадиган бўлди. Тез орада янги новдалар куртак ёза бошлади. Тўғри, ҳаммаси бирдек тутиб кетмаган бўлса-да, бошлангиш ёмон эмасди. Камчиликларини кейинги сафар тўғрилаб кетишга бел боғлади. Бу орада уч сотих ерда иссиқхона қурди. У ерда бошқаларникида кам учрайдиган цитрус мевали кўчатлар экди. Дастлабки йили бир четига лимон, кейинги йили мандарин, апельсин экиб чиқди. Лекин буларни парваршилашни тажрибали боғбонлардан маслаҳат олиб, турли адабиётлардан ўқиб чиқиб, ўрганишга ҳаракат қилди.

— Меҳнат қилган кам бўлмайди, — дейди Ҳусниддин Ҳазратов. — Бугун ҳар бир соҳада ривожланишни кузатиш мумкин. Қайсидир соҳада шуғулланиб, ўзини синаб кўрмоқчи бўлган кишига имконият кенг очилган. Фақат ҳаракат қилса бўлгани ёмон эмасди. Камчиликларини кейинги сафар тўғрилаб кетишга бел боғлади. Бу орада уч сотих ерда иссиқхона қурди. У ерда бошқаларникида кам учрайдиган цитрус мевали кўчатлар экди. Дастлабки йили бир четига лимон, кейинги йили мандарин, апельсин экиб чиқди. Лекин буларни парваршилашни тажрибали боғбонлардан маслаҳат олиб, турли адабиётлардан ўқиб чиқиб, ўрганишга ҳаракат қилди.



Давр руҳи

ТЕАТРДА ЗАМОН НАФАСИ: МУАЛЛИМ — БОШ ҚАҲРАМОН

Театр санъатида нима учун замон қаҳрамонлари яратилмапти? Ахир юртимизда халқи, миллати, эли учун жонини беришга тайёр, куйиб, ёниб яшаётган инсонлар кўп-ку. Президентимизнинг шу маънодаги ўринли эътирозли барча театр ижодий жамоаларини ўйлаб кўришга, репертуарини янги, таъсирчан спектакллар билан бойитишга ундамоқда. Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали драма театрида саҳналаштирилган “Бизга мактаб керак ёхуд замон Авлонийси” спектакли, таъбир жоиз бўлса, айнан шундай гоёни ўзида мужассам этгани билан давлатимиз раҳбари қўйган талабга жавоб беради деб ўйлайман.



Ўзгартириш жуда мушкул бўлган. Мактаб очилган пайтда қорақўлиқлар боласини бу ерда ўқитмасди. “Биз фарзандларимизни “детдом”га бермаймиз” деган маломатдан газабланган мак-



яшайдиган ўқитувчини уриб, дўпслаб кетишибди”, дейди. Тўхтамурод домла “Наҳотки, ҳеч ким кўтқармаган бўлса, ўқитувчининг ҳурмати шу даражада оёқости бўлди? “Устоз отангдек улуг” деган сўз бор. Отани урган одам оқпадар дейилади. Демак, устозни урган ҳам оқпадар экан-да... Худди шундай”, деганида томошабин жунбига келади.



Шахрибону ИМОМОВА, журналист

Устоз деган улуг зот таърифни баён қилишга бисотимиздаги энг сара сўзлар ҳам озлик қилади. Улар меҳнати бекорга қуёш тафтига қиёсламайди. Офтоб нуруни борлиққа қанча сочмасин, тугамайди ва эвазига ҳеч биримиздан ҳеч нарса талаб этмайди. Ўқитувчи ҳам худди шундай: кўз нуруни, қалб кўрини, бор меҳрини болага, шоғирдига беради, лекин ҳеч нарса сўрамайди. Меҳнати натижасини узоқ йиллардан сўнг шоғирди қамолдади, эхтиромда қўради. Бундан қувонади.

Драматург Қўчқор Норқобил, театр режиссери Достон Ҳақбердиев саҳна асарини яратиш учун устоз яшаб ўтган уйга бориб, унинг халқимизга маърифат тарқатишдаги саъй-ҳаракатларини ўрганди. Уша ерда бир муддат яшаб, яқинларининг у ҳақдаги хотираларини жамлаб, бунёд этган мактаби билан танишди. Натижада хозирги замон Авлонийсининг қиёфаси гўзал бадиийат билан ишончли қилиб яратилди.

Парда очилди. Тўхтамурод Жумаев ва дўсти Эргаш суҳбатлашиб ўтирибди. Эргаш дўстига юзланади: “Дўстим, тур, кетамиз, ҳаво совуқ, тезроқ юр!”. Тўхтамурод: “Сен кетавер”, деб унга рўйхушлиқ бермайди ва хушдан кетади. Шу лаҳзада тушида кимдир унга “Алжабр” китобини тутқазди...

Саҳнада давр ўзгаради. Собик иттифоқ парчаланган 1990-йиллар. Мактаблар бир аҳволда, фанлар нари-бери ўтилади. Фидойи ўқитувчилар бошқа соҳага кетиб қолган. Уша даврининг ўткир муаммолари томошабинни ҳаяжонга солади.

Бош қаҳрамон Тўхтамурод Жумаев образини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Меҳмонали Салимов, рафиқаси ролини Мусуда Отажоновна, ҳоким ролини Турғун Бекназаров ишончли талқин этган. Томошабин муаллим яшаган йилларга қайтиб, у билан учрашгандек бўлади.

Тўхтамурод Жумаев мактаб-интернат очишда не-не қийинчиликларга дуч келмади?! Бор-будини сотиб, мактаб биноси қурилишига сарфлаш ҳар қимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Унинг фикри зикрини ягона мақсад банд этган: бу шундай таълим маскани бўлиши керакки, ўқувчилар хорижга бориб ўқиб, Ўзбекистоннинг яшашини ҳимоя қилиб, муваффақият билан қайтсин. Бунга фақат бутун замин яратиши керак.

Педагог кунни кун, тунни тун демади, ўзини ўтга, чўққа урди, мактаб-интернат бунёд этилиб, нафақат Қорақўл, балки юртимизнинг бошқа вилоятларидан ҳам ўқувчилар келиб, ётиб ўқиётган кезде ва масканга “Болалар уйи” дея тамга қўйган кимсаларнинг тушунчасини

таб-интернат раҳбари “Бу ер болалар уйи эмас, халқаро талабаларга жавоб берадиган билим маскани”, дейди. Бироқ баҳслашиш бейғойда эди.



Бир кунни устознинг уйига фаррош аёл келади. У ночор аҳволда бўлгани учун болаларини ушбу меҳрибонлик уйига бермоқчилигини айтиб, йнглаб юборади. Устоз хайратдан донг қотади. “Уларнинг ўқиб ўрганишга укуви борми?” деб сўрайди. Чунки Тўхтамурод Жумаев мактабига билимдон, дуқко ўқувчиларини қабул қиларди. Ойназор “Билмадим, билимга қизиқиш керак, отасидан эрта ажралиб қолгандан сўнг ёлғиз бошим билан уларни едириб-чиририш қўйин бўлжпти”, дея зорланади.

Устоз фаррош аёлга пул узатади. “Вой, нега унақа қилпиз, болаларимни ўз қарамоғингизга олсангиз-у, яна сиздан пул оламаним?” деганида муаллим “Мен биринчи бор мактабимга келган ўқувчига шу эҳсонни бераман деб ният қилганим, олинг, қўлимни қайтарманг” деб икки дона иссиқ нон билан уни кузатиб қўяди.

Ҳа, бу мактабни ишга тушириш учун нима-лар бўлмади? Тўхтамурод Жумаев бир неча кунлаб йўқолиб қолар, бундан хотини, фарзандлари хавотирга тушар эди. Ўқитувчини мақсадидан қайтариш учун айрим амалдорлар зугум ўтказар, уларнинг “Бу мактабнинг билан нимани қўйиллатмоқчисиз?” деган илдасини ҳар кунни эшитишига тўри келарди.

Янгилек хамшиша қўйин қабул қилинади. Бунинг учун курашиш керак. Орқага йўл йўқ. Ҳали хаммаси яхши бўлади. Устознинг кўнглидан ҳар сафар шу фикрлар ўтиб турарди. У ниятини амалга ошириш йўлида маҳалла раиси елкадош бўлгани, хайрихоҳлик кўрсатгани спектакль маъно-мундарижасини янада бойитган. Афсуски, нимадир бўлди-ю, раис шифохонада вафот этиб, устозни қўллаб-қувватловчилар қамаяди. Унинг ташаббуси бир оз бўғилгандек бўлади. Аммо яхшилик, эзгу иш бесапар кетмайди.

Спектаклда бош қаҳрамон Тўхтамурод Жумаев тисмолида бутун миллат ўқитувчи ва мураббийлари образи гавдалантирилган. Уша доғдали замонда билим бериш, ўқувчиларини ҳалқаро майдонга олиб чиқишни ору қилган устоз ҳеч қандай муаммони писанд қилмасди. Унинг миллатпарварлиги, янгилекка ўчилиги, илм-маърифат учун ҳеч нарсадан тоймаслиги ҳам шундан. У мол-дунё йиғмади, олтин йиғмади, аксинча, бор мулкни сотиб бўлса-да, Қорақўл туманида аниқ фанларга ихтисослаштирилган мактаб-интернат очиниши эришди.

Орадан олти йил ўтди. Мактабнинг илм қалдирғочлари математика бўйича халқаро олим-

пидада олтин олтин медаль олди. Хушхабарнинг доғруғи бутун мамлакатга ёйилди. Мактаб очилишига рўйхушлик бермаганлар ҳам кўнги-ғирок қилди, табриқлади... Тўхтамурод Жумаев уларга иддао қилмади, кўтловларини илиқ ва самимий қабул қилди.

Мактабда йилдан йилга ўқувчилар сафи кенгайиб борарди. Кейинчалик Тўхтамурод Жумаев мактабда таҳсил олишининг талабларини ишлаб қўчилди. Мактаб низомига мувофиқ, ҳар бир ўқувчи махсус имтиҳон асосида ўқишга қабул қилинади. Агар у имтиҳондан ўтса, мактаб уни қучоқ очиб, қарши олади. Утмасе, вазирининг фарзанди ҳам қабул қилинмайди. Ҳамма учун талаб ягона. Ҳатто устознинг невараси имтиҳондан ўтолмагани учун қабул қилинмайди. Акаси, аёли, суякли қизи отасидан илтимос қилиб келса ҳам “Имтиҳонга яхшилаб тайёrlаниши керак. Утса, марҳамат, ўқийди. Бўлмаса, мени қўймаманлар” деганида қизи уч йил у билан гаплашмай, тескари бўлиб юрган. Бу ҳақда Тўхтамурод Жумаевнинг қизи Адолат муаллифга айтиб беради экан, “Отам раҳматли тўғри қилган экан, мен кейин хатоми тушундим. Ушанда ростидан хафа бўлиб, отам билан гаплашмаган эдим” деб афсус билан хўрсинади.

Спектаклда энг таъсирли саҳналардан бири. Устознинг дўсти Эргаш “Фалончи маҳаллада

Мулоҳаза

Ишдан қайтаётиб, ҳамкасблар билан рўзгор хариди учун дўконга кирдик. Сотувчидан махсуслот сотиб олаётган қирқ ёшлар чамаси, бийонидек кўринишдаги одамнинг мулоқотидан хайратланиб кетган ҳамкасбимизнинг сўзи эътиборимизни тортиди. — Ие, бу гапирар экан, чўлок ҳам, соқов ҳам эмас экан-ку, — деди. — Бунга раҳимин келганидан ҳар қўраганимда пул бераман... Мийғида кулиб турган харидор қўлидаги елимхалталарни стол устига қўйиб, ҳамкасбимнинг олдига яқинроқ келди ва кўрсаткич бармоғини лабига босди. — Тирикчиликда, — дея дўкондан чиқиб кетди...

Аҳоли гавжум жойлар, автомобиль чорраҳаларида ўзини ночор кўринишга солиб, тиланчилик қилаётганларни ҳар қадамда учратамиз. Ёш болалар, чакалок кўтарган аёлларнинг бу ишга ружу қўйиб бораётганидан кўз юмиб бўлмайди, албатта. Айтишларича, улар гуруҳ-гуруҳ бўлиб кўчиб юрар, борган жойидан ижарага уй олиб, “фаолият” юритар экан. Энди ўйлаб кўринг, ижара уй бепул берилапти. Бундан ташқари, озиқ-овқат, уст-бош чиқимидан орттириб, кун кечиринишнинг ўзи бўлмайди. Кўз ёмири севаляй бошлади. Юпун кийинган аёл, совуқдан дилдираб қолган, нари борса, 4-5 ёшли ушқоқина қизалоқни етаклаб, чорраҳадан ўтган-кетган машина олдига бориб, тиланчилик қилиб турибди. — Худо йўлига садақа қилинг, йўлингиз бехатар бўлсин...

Тўғриси, “меҳнати” бесапар кетаётгани йўқ. Светофорнинг қизил чирғида тўхтаган ҳар икки ҳайдовчидан бири қўлидан чикарганини бериб кетаяпти. Совуқда музлаган қўллар, атрафга жавдираб турган кўзларга раҳимин келди. — Ивиб кетибсизлар-ку, — дея машина ойнасини тушириб, тиланчи аёлга юзландим. — Бизга бўлаверадми, — деб ишини давом эттирди аёл. — Қизингизга раҳмингиз келсин. Бу алфозда касал бўлиб қолади. Аёл машиналар томон югуриб бориб, кафтин очаётган қизалоққа бир дам тикилиб қолди. — Утиригилар, панароқ жойга элиб қўяман...

Она-бола машинага чиқди. — Шу ёмигда сизлар зарилми? — Тирикчиликнинг айби йўқ, ука. Шунга ўрганиб қолганмиз. — Бирор жойда ишланган бўлмайми? Гапим ёқмади шеклили, аёлининг кўзлари чақнайиб кетди. — Машинани тўхтадинг, етиб келдик, — дея энди ҳаловат топган қизалоқнинг тушириб, эшикни қарсиллатиб ёпди...

Кўз ўнгинида учраб турган бундай нохуш воқеалар мулоҳазага ундайди. Нафақат аёл ва болалар, балки тоғни урса талқон қилгудек, тўрт мучаси соғ йиғитларнинг ҳам бу “иш” этагидан тутгани, фақат талаб қилишга одатланиб қолаётганига нима дейсиз?!

Риштон тумани ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари Абдор Дехқонов бир воқеани айтиб берди. Мутасаддилар ижтимоий ҳимояга муҳтож оила ҳолидан хабар олиб, бир қоп ун ва бошқа керакли махсуслотларни олиб борибди. Уй соҳибни улардан нон ёпиш учун тандир, электр печ олиб келиб беришни талаб қилибди. Бўлмаса, юқори идораларга ара қилишини айтиб, дўқ урибди.

“Хўжайнлор” маҳалла фуқаролар йиғинида Эҳромжон Абдуҳакимов деган йигит яшайди. Таянч-ҳаракат аъзоларида нуқсонни бор, юришга қийналади. Аммо меҳнат қилади, бировнинг марҳаматига қараб қолгани йўқ. Дастлаб уй шароитида кичик дўкон очди. Маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси тавсияси билан фаолиятини

ТИЛАНЧИЛИКМИ ЁКИ ТАЛОНЧИЛИК? БОҚИМАНДАЛИК ҲЕЧ БИР КИШИГА ХОС БЎЛМАСЛИГИ КЕРАК



кенгайтириш учун 100 миллион сўм имтиёзли кредит олди.

— Унинг ҳаёт тарзи, изланиши ва интилиши, матонати ва иродаси кўтлар учун ўрнак, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Баҳодир Мамажонов. — Камтар, камсукум, доим ҳаракатда. Ўзидан орттириб, бошқаларга кўмак беради, қўллаб-қувватлайди. Айни кунда оқиқ аукцион орқали сотиб олган майдонда тўрт қаватли спорт ва хизмат кўрсатиш мажмуасини қурапти. Бу

маҳалладаги ўнлаб ёшларнинг иш билан таъминланишига хизмат қилади.

Бундай ҳаётбахш ташаббуслардан кўнгил кўтарилди, албатта. Бошқа ҳолатларни кўриб беихтиёр ачинади киши. Бир аёл бир йил давомда турли идоралардан ёрдам сўраб, 14 та тикув машинаси олибди. Аммо ҳаёт тарзида ҳеч қандай ўзгариш бўлмади. Чунки барча тикув машинасини пуллаб, яна идорама-идора ёрдам сўраб юрибди.

Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Айримлар буни касб-корга айлантириб олган. Жойларда аҳоли қабул қилинаётган издиҳомга борсангиз, ўша таниш чехраларга дуч келасиз. Улар бу қилимиши тиланчилик эканини тан олмайдди. Нега уларни юрт тараққиёти, ёл фаровонлиги йўлида ҳалол меҳнат қилишга дэват эта олмаймиз? Маҳалла-қўй, кенг жамоатчилик қаёққа қарапти? “Сен менга тегма, мен сенга тегмайман” қабилида иш қўришдан кимга наф?

— Соғлом бўлса-да, меҳнатга тоқатсиз, бошқаларга суяниб яшаш, кўча-қўйда тиланчилик қилишни тирикчилик манбаига айлантирганлар учраб туриши аччиқ ҳақиқат. — дейди Тошлоқ тумани бош имом-хатиби Иномжон Тўйчиев. — Муқаддас динимиз бундай ишдан қайтаргани ва ҳалол меҳнат билан риққ топишга қайтиради. Жумладан, Зубайр ибн Аввоми розияллоху анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда пайғамбаримиз бундай деганлар: “Сизлардан бирингизнинг қўлига арқон олиб, эрта тонгда туриб ўтин териб сотиши ва унинг пулига таомланиб, рўзғорга ишлатиб, ортгани эҳсон

қилиши одамлардан тиланчилик қилиб сўрашдан яхшидир. Инсонлар баъзида беради ё бермайди” (Имом Бухорий ривояти). Пайғамбарлар ҳамда барча аилома ва авлиёлар ҳам бирор касб билан шуғулланган. Шу орқали ҳалол меҳнат қилиб, ризқини терган.

— Кўча-қўйда, жамоат жойларида жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш мақсадида тиланчиликни ўзига касб қилиб олганларни аниқлаш, фаолиятига қонуний чоралар кўришга алоҳида эътибор бериб келиняпти, — дейди Фарғона вилояти ИИБ ахборот хизмати бошлиғи Исмоил Шарипов. — Жорий йилнинг ўтган даврида кўча ва жамоат жойларида, хиёбон ва бозорларда, транспорт қатнови зич чорраҳаларда тиланчилик билан шуғулланиб юрган 841 шахс аниқланди. Уларни иш билан таъминлаш, касб-хўнарга ўргатиш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғини, бандликка кўмаклашиш марказлари ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда меҳнат ярмакалари ташкил этилиб, касб-хўнарга ўқитишга алоҳида эътибор бериляпти. Шунингдек, оила-ларни камбағалликдан чиқариш йўлида яратиб берилган имтиёз ва имкониятлар хусусида тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказиб келляпти.

Ота-боболаримиз тиланчилик, талончилик қилиб кун кўришни ор деб билган. Айрим оқил ва доно кишилар бундайларнинг ҳаётда ўз ўрнини топилиб олиши учун имконият яратиш мақсадида ер, сув, сармоя берган. Бунга итоат қилмай, берганини кўкка совириб, яна тиланчилик қилганлари эса юртдан бадарга этган.

Камбағалликни қисқартириш умуммиллий ҳаракатга айланган бугунги ҳаётимизда учраб турган бундай иллатларга қарши биргаликда курашиш мумкин амаллардан.

Расулжон КАМОЛОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ. Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ. МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма — 3918. 4157 нусxada босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоли келишилган нархда. “Колограк” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манлиси: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй. Босмаҳона телефони: (788) 129-29-29. Навбатчи муҳаррир: Боборовшан Ғоziддинов Мусахҳи: Насиба Абдуллаева Дизайнер: Хуршид Абдуллаев. Манзилими: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй. Ғза яқуни — 22:30 Топшириди — 22:40